

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ
ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ "МАТБУОТ" КАФЕДРАСИ**

ИБРАГИМОВА АСИЛА ЭЛБОБОВНА

**Партия нашрларида сиёсий ғоялар ва дастурлар кураши: таққос ва таҳлил
("Миллий тикланиш" ва "Адолат" газеталарининг 2012-2014 йиллардаги
фаолияти мисолида)**

5320100-Журналистика

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий раҳбар: тфн. доц.
Миралимов.Ш.А.**

Тошкент-2014

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ
ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ “МАТБУОТ” КАФЕДРАСИ
ИБРАГИМОВА АСИЛА ЭЛБОБОЕВНА**

**Партия нашрларида сиёсий ғоялар ва дастурлар кураши: таққос ва таҳлил
("Миллий тикланиш" ва "Адолат" газеталарининг 2012-2014 йиллардаги
фаолияти мисолида)**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**ДАК қарори: Битирувчи Ибрагимова Асила
Элбобоевнанинг**

**Битирув иши “ ----- ” га баҳолансин
“ ----” -----2014 йил**

ДАК раиси:

ДАК котибаси:

Тошкент-2014

Мавзу: Партия нашрларида сиёсий ғоялар ва дастурлар кураши: таққос ва таҳлил
(“Миллий тикланиш” ва “Адолат” газеталарининг 2012-2014 йиллар мисолида)

Режа:

Кириш

I боб. Сиёсий партияларнинг жамият тараққиётидаги роли ва матбуот.

1.1. Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг вужудга келиши тарихидан

1.2. Матбуотнинг сиёсий партиялар фаолиятида туган ўрни

II боб. Партиялараро сиёсий курашларнинг матбуотдаги акси .

2.1. “Миллий тикланиш” газетасининг сиёсий ғояларни тарғиб этиш борасидаги
роли

2.2. Жамият ижтимоий тараққиётида “Адолат” газетаси саҳифаларида сиёсий
ғоявий курашларнинг акс эттирилиши

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

Кириш:

Истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини вужудга келтириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланиб, бу борада ўтган даврда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, юртимизда демократик жамият қуришнинг муҳим шарти – кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириши учун мустаҳкам ҳуқуқий база ҳамда кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Айниқса, Президентимиз И.А.Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ислоҳ этиш йўлида янги уфқларни белгилаб берди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда Ўзбекистон давлатининг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин топишига бўлган интилишлари кучаймоқда. «Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш

йўли билан етиб бориш учун кўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз»¹.

Ўзбекистонда мустақилликка эришгандан кейин демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилишининг концептуал асослари яратилиши билан, ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришда тарихий, миллий, маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган эҳтиёж ҳам, талаб ҳам, ортиб бормоқда. Зеро, жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг қарор топиши ва ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларига сингиб бориши янги типдаги инсон шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Президент И.А.Каримов «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»², — деб таъкидлайди.

Бундай муштарак стратегик мақсад, бир томондан, миллий, ўзига хос давлат бошқарувининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларини, ғоявий-мафкуравий имкониятларини тақозо қилади. Иккинчи томондан, муқобил демократик тамойиллар ва андозалар (стандартлар)нинг замон талабига мос динамик ўзгариб бориши, уларнинг янги назарий-методологик асосларига, мафкуравий таъминланишга эҳтиёжни вужудга келтирмоқда. Хусусан, фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқини муҳофаза қилиш; ижтимоий ҳимоялаш; сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш; жамиятда сиёсий институтлар фаолиятини умуминсоният эътироф этган демократик тамойиллар асосида такомиллаштириш фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини муҳофаза

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. Т.14. —Т.: Ўзбекистон, 2006, 70-71 б.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. -Т.: Ўзбекистон, 2005, 177-б.

қилиш асосларини ташкил этишдан иборатдир. Бинобарин, мазкур мақсадларни ҳаётга тадбиқ этишда ОАВнинг тутган ўрни беқиёсдир. Зотан, XX аср тарихга фан-техника асри сифатида кирган бўлса, XXI аср сўзсиз ахборот асридир.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятининг муҳим институти саналган сиёсий партиялар фаолияти ва ғояларини кенг оммага тарғиб-ташвиқ қилишда оммавий ахборот воситалари асосий ўрин тутди. **Партиявий нашрларни партиялараро қизғин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарурлиги** баайни ҳақиқат. Чунки бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувида ҳамда қарорлар қабул қилишда, шунингдек, демократик жараёнларни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлашдаги ўрни ва роли кучайиб бормоқда, табиий равишда партия ОАВга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда битирув малакавий ишимизда партия нашрларида сиёсий-ғоявий ва дастурий курашларининг партия нашрларида акс эттириш масаласини **тадқиқот объекти** сифатида танладик. Боиси, партия матбуоти сиёсий партиялар ҳаёти ва бутун фаолиятида жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган таъсирчан мафкуравий ҳамда партия ташкилотлари ишида ошкоралик ва демократияни таъминлайдиган етакчи омил сифатида намоён бўлади. Битирув малакавий ишимизни **тадқиқот предмети** сифатида партия нашрларида фаолият юритаётган журналистлар маҳорати, мақолалар шакл усуллари, мавзули муаммоли мақолалар таҳлили.

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган журналистларнинг эркин фаолият юритишлари учун яратилган қулай шарт-шароит ҳамда ҳукукий асос қафолатланди. Жумладан, сўз ва матбуот эркинлиги, журналистнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқи Конституция ва қонунлар билан қафолатланди, журналистик текширув ўтказиш институти илк бор қонуний асосга эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, матбуотнинг

“тўртинчи ҳокимият” даражасига эришиши йўлида изчил ислохотлар давом этмоқда. Мазкур жараёнда миллий журналистикамизга кириб келган сиёсий журналистика, парламент ва партия журналистикаси сингари йўналишларни тўлақонли шакллантириш долзарб вазифалардан саналади. Шунингдек, партия ва ОАВ ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, хусусан, партия нашрида фаолият олиб бораётган журналистлар малака ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш, сиёсий партиялари нашри фаолиятидаги такомилга муҳтож жиҳатларни аниқлаш ва бартараф этиш бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса мазкур йўналишдаги изланишларни сон ва сифат жиҳатидан ошириш айти пайтдаги миллий матбуотимиздаги партия нашрларининг таъсирчанлигини янада ошириш ҳамда мутахассисларнинг касбий маҳоратини юксалтиришга хизмат қилади.

Малакавий битирув ишимизнинг **илмий амалий аҳамияти** тадқиқотимиздан келиб чиққан тавсиялар мамлакатимизда вужудга келган кўп партиявийлик шароитида янги, ёш партияларни шакллантириш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қўл келади.

Тадқиқот ишининг янгилиги, шу билан белгиланадики, Ўзбекистонда сиёсий партия ҳамда партия нашрларининг шаклланиши ва оммавий ахборот воситаларининг сиёсий партиялар фаолиятига таъсири илмий жиҳатдан кам таҳлил этилган.

– мазкур тадқиқот иши орқали сиёсий партия тушунчаси назарий ва амалий таҳлил этилиб, улар фаолиятининг ОАВда, хусусан, ўз нашрларида ёритилиши илмий жиҳатдан ўрганилди;

– матбуотнинг сиёсий партиялар фаолиятида тутган ўрни, партия нашрларининг фуқаролик жамиятини ривожлантириш, фуқаролар ҳуқуқий-сиёсий маданиятини оширишдаги роли, сиёсий-ғоявий ва

дастурий курашларни акс эттирган мақолаларнинг ютуқ ва камчиликлари қиёсий тадқиқ этилди;

– “Миллий тикланиш” ва “Адолат” газеталарида партия дастурий ғояларини тарғиб этиш борасидаги роли ва уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари биринчи маротаба ўрганилди.

Илмий-тадқиқот ишининг мақсади. Журналистика ижтимоий институт сифатида жамиятда кечаётган жараёнларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Журналист зиммасига фақатгина ахборот тарқатиш эмас, балки омманинг ахборий маданиятини юксалтириш, эзгу ғояларни тарғиб қилиш вазифаси ҳам юклатилганини инобатга олсак, мавзунинг аҳамияти ва моҳияти бевосита изланишларнинг мақсадини очиб беради. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотларнинг амалга оширилиши, ҳуқуқий демократик давлат куриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда журналистикамизда янги йўналиш ҳисобланган сиёсий журналистика, парламент ва партия журналистикасини амалиётда қўллаш бўйича кўникмаларни шакллантириш.

Айни пайтда ўзининг тутган ўрни ва аҳамияти жиҳатидан сиёсий партиялар муҳим рол ўйнамоқда. Қайси партия бўлишидан қатъий назар, ўз ғояларини кенг тарғиб қилмаса ўз электоратини кўпайтира олмайди. Шу боис бугунги кунда ҳар бир партия ўз матбуот ва электрон нашрларига эга.

Тадқиқот ишининг вазифалари:

Ишнинг мавзуси бевосита “Миллий тикланиш” ва “Адолат” газеталарида сиёсий- ғоявий ва дастурий курашларнинг ёритилиши билан боғлиқ бўлгани сабабли, уларда чоп этилган партиялараро курашга оид мақолаларни қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

Битирув малакавий ишининг тузилиши.

Тадқиқот иши кириш, икки боб (тўрт фасл), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми ... бетни ташкил этади.

Ўбоб. Сиёсий партияларнинг жамият тараққиётидаги роли ва матбуот

1.1. Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг вужудга келиш тарихидан

Жамият ҳаётида ўзининг тутган ўрни ва аҳамияти жиҳатидан сиёсий партиялар ва ҳаракатлар муҳим роль ўйнайди. Зеро, улар жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. Қайси мамлакатда сиёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, шу мамлакатда фикрлар эркинлиги ҳам бўлмайди, бу ҳол жамият ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоий-иқтисодий табақаланиш рўй берган ва бунинг оқибатида манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар ҳақ-хуқуларини ифода қилувчи сиёсий партиялар пайдо бўла бошлаган. “Ғарб сиёсатшунос олимларининг талқинича, **«сиёсий партиялар — расман институтлашган ва давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими устидан назорат қилиш учун курашда иштирок этиш мақсадларига функционал ихтисослашган ташкилотдир»**¹.

«Партия» сўзи латинча «парз» - қисм, бўлак сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилотни англатади. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш учун муросасиз кураш олиб бориш зарурияти билан узвий боғлиқдир. Сиёсий партияга ўхшаш институтлар ғарб ва шарқда қадимдан мавжуд бўлган. Тарихдан маълумки сиёсий партиялар қадимги Юнонистонда ташкил топган бўлиб, улар олдин жуда озчиликни ўз сафларида бирлаштирган. Янги таркиби жиҳатдан жуда тор доирада уюшган сиёсий ташкилотлар бўлган. Улар асосан жамиятдаги турли синфларнинг манфаатларини эмас, балки қулдорлар синфи ичидаги хилма-хил сиёсий

¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар маданиятлар. -Т.: Шарқ, 1998, 30-32 бетлар.

оқимлар манфаатларини ифода этган. Афинада гетерийлар, Римда оптимат ва популярлар антик даврда сиёсий партия вазифасини бажарган.

Инсоният XX асрнинг сўнгги 10 йиллигидан бошлаб, янги тарихий даврга қадам қўйди ва истиқбол ривожланишининг янги йўналишларини белгилаб олмоқда. Бу тарихий давр хусусиятлари, энг аввало, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари парадигмалари ўзгаришида намоён бўлмоқда. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларига доир анъанавий шаклланган тушунчалар мазмуни, ғоявий-мафкуравий муносабатлар кўлами, характери горизонтал ва вертикал йўналишларда ўзгармоқда. Бу дунё миқёсида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнларнинг глобаллашуви, интеграциялашуви, универсаллашуви ва интенсивлашувида ўз ифодасини топмоқда. Айнан ана шундай жараёнларда миллатнинг, Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин топишига бўлган интилишлари кучаймоқда. «Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан етиб бориш учун қўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз»¹.

Истиқлол туфайли янгиланиш ва бунёдкорлик йўлидан бораётган миллат ва давлат, жамият бошқарувининг ўзига хос миллий тарихий тажрибаларига, анъаналарига асосланади. Бошқача айтганда, демократик миллий давлатчиликнинг тарихий бошқарув мероси, тажрибалари бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор вазифаларини белгилаб бермоқда. Қолаверса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилишининг концептуал асослари яратилиши билан, ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришда тарихий миллий маънавий-

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006, – 70-71 б.

ахлоқий кадриятларга бўлган эҳтиёж ҳам, талаб ҳам, ортиб бормоқда. Зеро, жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг қарор топиши ва ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларига сингиб бориши янги типдаги инсон шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Президент И.А.Каримов «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»¹, — деб таъкидлайди.

Бундай муштарак стратегик мақсад, бир томондан, миллий, ўзига хос давлат бошқарувининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларини, ғоявий-мафкуравий имкониятларини тақозо қилади. Иккинчи томондан, муқобил демократик тамойиллар ва андозалар (стандартлар)нинг замон талабига мос динамик ўзгариб бориши, уларнинг янги назарий-методологик асосларига, мафкуравий таъминлашнишга эҳтиёжни вужудга келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, демократия феноменини ўрганишда турли фанларнинг интеграциялашиш ва дифференциациялашиш йўналишларини белгилаб бермоқда. Хусусан, фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқини муҳофаза қилиш; ижтимоий ҳимоялаш; сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш; миллий демократик кадриятлари ривожини умуминсоний кадриятлар билан бойитиш ва уйғунлаштириш; жамият сиёсий институтлар фаолиятини умуминсоният эътироф этган демократик тамойиллар асосида такомиллаштириш; ижтимоий муносабатларда турлитуман кучлар мувозанатини таъминлаш механизмларининг самарадорлигини аниқлаш мезонини белгилаш; фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини муҳофаза қилиш асосларини ташкил этишдан иборатдир. Айнан мана

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. -Т.: Ўзбекистон, 2005, - 177-б.

шундай сиёсий шароит мустақиллик ғояси ва уни мустаҳкамлаш туфайли вужудга келмоқда.

Ўзбекистонда қисқа давр ичида сиёсий партияларнинг сиёсий тизим субъектлари сифатида фаолият кўрсатишлари, уларнинг сиёсий тизимга таъсир эта олиш қобилиятларининг шаклланиши натижасида демократик тамойиллардаги кўппартиявийлик тизими шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қанча моддалари сиёсий партиялар фаолияти учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Сиёсий партиялар ташкил этиш ҳуқуқий Бош қомусимизнинг 34-моддасида "...Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас"¹ деб мустаҳкамланган. Конституцияда, шунингдек, сиёсий партияларнинг Конституцияга қарши хатти-ҳаракатлари таъқиқланади (57-модда). Сиёсий партияларга нисбатан давлатнинг ҳуқуқлари (58-модда), партияга аъзо бўлиш ихтиёрийлиги (59-модда.), тўғрисида ҳам сўз юритилади. Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари кўппартиявийлик асосида сайланишлари таъкидланади.

1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида» ги қонун қабул қилди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат 17 моддадан иборат. Президентлик ваколатларини бажариш вақтида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиш шарт. Қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар: судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, милиция хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Сиёсий партия тузиш камида 8 та ҳудудий субъект

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2012, 9-б.

(вилоят), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партиёга бирлашиш истагида бўлган камида 5 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади. Сиёсий партиё тузиш ташаббускорлари камида 50 кишидан иборат бўлиши, партиё таъсис ҳужжатларини тайёрлаши, таъсис съезди ё конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмита тузишлари лозим. Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб 7 кунлик муддатда, кечиктирмасдан Республика Адлия вазирлигига қўмита ҳақида, раҳбарияти ҳақида хабардор қилиши лозим. Ташкилий қўмита 3 ой фаолият кўрсатиши мумкин. Съезд ё конференция чақириши лозим. Таъсис съезд ёки конференцияда: партиё устави ва дастурини қабул қилади, органини тузади. Устав қабул қилинган 1 ой муддатда ЎзР Адлия вазирлигига: партиё органининг камида 3 аъзоси имзоланган ариза, устав, дастур, таъсис съезди ё конференция баёни рўйхатдан ўтказиш йиғими - банк ҳужжати ва бошқалар топширилиши керак. Адлия вазирлиги 2 ой ичида кўриб чиқади. Рўйхатдан ўтса оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши керак. Сиёсий партиё ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қиладилар ва ўз фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари тўғрисида парламентга ёки ваколат берувчи органга ҳисобот тақдим этади. Сиёсий партиёлар тегишли тартибда рўйхатга олинган, фаолиятини амалга оширади. Улар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва махсус қарорлар билан тартибга солинади. Ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш кўплаб муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган мураккаб ва давомли жараёндир. Парламентаризм принциплари асосида фаолият кўрсатувчи давлат институтлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчиликнинг қарор топишига тааллуқли муаммолар силсиласида муҳим ўрин тутди. Чунки XXI асрнинг бошларига келиб оддий бир ҳақиқат - тўла ваколатга эга бўлган парламентсиз мамлакатда тўлақонли демократия бўлиши мумкин эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди. Бинобарин, фуқаролар демократия тўғрисидаги тасаввурларини аввало давлатни идора

этишда ўзлари иштирок этишларининг реал имконияти билан, қолаверса парламент орқали қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсата олиш имкониятлари билан боғлайдилар. ”Ўзбекистондаги партияларнинг шаклланиш жараёнини, биз табиий равишда, ислохотлар билан, туб демократик ўзгаришлар йўлидан бораётган жамиятнинг аниқ талаблари билан уйғунликда кўрамиз”¹.

1991 йил 14 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун мамлакатда кўппартиявийлик тизими шаклланишининг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаб бериши натижасида мамлакатда янги сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнлари бошланди. Миллий мустақиллик даврида ташкил топган сиёсий партиялардан бири, бу - Ўзбекистон Халқ демократик партиясидир. Партияга 1991 йилнинг 1 ноябрида бўлиб ўтган таъсис қурултойида асос солинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож фуқаролари, яъни:

— ўз оиласини боқиш учун доимий иш ва барқарор даромадлар манбаига эга бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳоли;

— ишга жойлашишда қийинчиликларга учраётган ва тегишли ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар;

— олинаётган пенсия ва ижтимоий нафақалар даражаси турмуш кечириши учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалардаги аёллар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари;

— асосий даромадни меҳнатдан оладиган, ишда ва меҳнатга ҳақ тўлашда талаблари иш берувчилар олдида ишончли ҳимоя қилинишига муҳтож одамлар манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 207-б.

Ўзбекистон ХДП уларни ўз электорати, деб ҳисоблайди ва уларнинг манфаатларини кўзлаб давлат томонидан ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг изчил юритилишига эришиш учун ҳаракат қилади, сайлов компаниялари даврида ишсизлик, ижтимоий адолатсизлик ва қашшоқлик билан ҳеч ҳам келиша олмайдиган барча эзгу ниятли кишилар уни қўллаб-қувватлашларига умид боғлайди.

“Адолат” Социал-демократик партиясининг ижтимоий асоси — ўртаҳол ва эҳтиёжманд аҳоли табақалари бўлиб, партия уларнинг сиёсий ва ижтимоий иродаларини намоён этишга интилади. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга кўмаклашади, ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиб, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва сиёсий партиялардан шу жиҳатлари билан ажралиб туради”¹.

Бугунги кунда “Адолат” СДП ўз сафларида 50.000 дан ортиқ ижтимоий адолат ҳояларига содиқ ва фаол фуқароларни бирлаштирган, мамлакат бўйлаб 170 дан зиёд шаҳар ва аҳоли турар жойларида 3120 дан ортиқ бошланғич ташкилотига эга бўлган йирик сиёсий кучдир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг бош мақсади:

—мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш;

—юртимизда кечаётган ислохотларнинг жадаллашувига; ҳуқуқий, демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришга муносиб ҳисса қўшиш;

—жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ижтимоий адолат ҳояларини қарор топтириш;

¹ Файзиев. Ш.Х. Сиёсий партиялар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнида.-Т.: Ф. Фулом номли нашр, 2009, 60-бет.

—аҳолининг кам таъминланган эҳтиёжманд қатламлари учун зарур ижтимоий муҳофазани таъминлашдир.

Партия мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада жадаллаштириш, демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла таъминланиши учун ўзини сафарбар деб билади.

Сиёсий партияларнинг ролини ошириш, уларни “давлат ва жамиятни боғлаб турувчи кўприк” даражасига етказиш керак деб ҳисоблайди. Партия жамиятда аёллар, ёшлар, қариялар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, етим-есирлар, қаровсиз болалар, ишсизлар, жазо муддатини ўтаганлар ва шу каби аҳоли қатламларига алоҳида эътибор, синчковлик билан муносабатда бўлиш ва ёрдам кўрсатишни ўзининг фаолият дастурини, асосий вазифалари этиб белгиланган.

“Адолат” СДП мамлакат аёлларини ўзи таянадиган энг муҳим ижтимоий қатлам деб билиб, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш учун амалдаги қонунчиликка муҳим ўзгартиришлар киритиш лозим деб ҳисоблайди, ўз фаолият дастурида.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини самарали ҳал этиш мақсадида айниқса қишлоқ жойларида, аёлларни хизмат кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесга жалб этиш самарасини ошириш, микрокредитлаш тизимини ҳаётга жорий этишда фаол қатнашишни илгари суради.

Ёшларни мамлакатимиз ва жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнига кенг жалб этиш партиянинг муҳим вазифаларидандир.

Партиянинг марказий матбуот нашри - «Адолат» ижтимоий-сиёсий ҳафталик газетасидир.

2008 йил 20 июнь куни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партиясининг бирлашув курултойи бўлиб ўтиб, ушбу икки партия негизида янги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси (ЎзМТДП) ташкил этилди.

2008 йил 21 июнь куни ЎзМТДП Марказий Кенгашининг II Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси аъзолари 21 нафардан иборат таркибда сайланиб, улар орасидан Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси раиси ва унинг Мафкуравий ишлар, Ташкилий ва кадрлар ишлари, Хотин-қизлар масалалари ҳамда Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари сайланди.

2008 йил 4-16 июль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида икки партиянинг бирлашув Конференциялари ўтказилиб, улар негизида янги партияни тузиш бўйича ташкилий гуруҳ шакллантирилди. 2008 йил 11 август куни ЎзМТДП Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтди. 2008 йил 13 август куни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси фракцияларининг қўшма таъсис йиғилиши бўлиб ўтди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДПнинг янги фракцияси тузилди. 2008 йил 9 сентябрдан бошлаб жойларда ҳудудий партия ташкилотларининг таъсис Конференциялари ва Пленумлари ўтказилди. Жумладан, барча ҳудудларда ЎзМТДП ҳудудий партия ташкилотларининг таъсис Конференция ва Пленумлари ўтказилди. Уларда Кенгаш, Назорат-тафтиш комиссияси, Кенгаш Ижроия Қўмитаси таркиби тасдиқланди ҳамда Ижроия Қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари сайланди. Шунингдек, жойларда туман (шаҳар) партия ташкилотларининг таъсис Конференция ва Пленумлари ўтказилиб, Кенгаш, Кенгаш Ижроия Қўмитаси таркиби тасдиқланди ҳамда Ижроия Қўмитаси раислари сайланди. Ўз фаолиятида кўпроқ Ўзбекистон зиёлиларига суянади. Ижтимоий қатлам сифатида ўрта табақани, яъни ўқитувчи, врач, инженер ва

бошқа касб эгаларини ўз сафларида бириктирган. Партия ўз атрофида илм-фан, маданият ва маорифга хизмат килаётган йирик олимларни уюштирган. Партия шиори: «Миллат, инсон ва ватан манфаати муқаддасдир» деб билади. ” Партиянинг мақсади: давлатнинг умуминсоний қадриятлар асосида миллий тикланиш, ёки бошқача айтганда партиянинг олий мақсади:

1. Миллатнинг маънавий бирлиги.
2. Ватан (Туркистон) - ягона оила.
3. Кучли демократик давлат.
4. Миллий қадриятлар.
5. Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция.
6. Замон кишиси.
7. Миллий истиқбол қабилаи”.¹

МТДПнинг матбуот органи: «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси чоп этилмоқда.

“2003 йил 15 ноябрда Ўзбекистон сиёсий тизимида яна бир сиёсий партия - Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топди. Партияни тузиш ташаббускорлари асосан мамлакатдаги ўрта қатлам - тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг илғор вакиллари бўлиб, партия ўрта ижтимоий қатлам сиёсий манфаатлари ва иродаларини ифода этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг (ЎзЛиДеП) ташкил этиш мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислохотларининг чуқурлашиб бориш жараёнлари тарихий зарурият сифатида кун тартибига қўйилди.

ЎзЛиДеП ўрта ижтимоий қатлам ғоялари ва манфаатлари ифодачиси сифатида сиёсий майдонга чиқди. Шунингдек, партия қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўйди: Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар ва

¹ Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устави ва дастури. -Т.; Шарк., 2008, 29-30 бетлар.

ишбилармонларнинг янада кенгрок фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш ва эртанги кунини таъминлаш, шу ижтимоий тоифа номидан сиёсий сахнага чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллашдан иборат. Партиянинг сиёсий мафкураси - либерал ғоялар ва қадриятларни кенг тарғиб қилиш; ўрта ижтимоий қатлам қарашларини ифодаловчи либерализм мафкураси мақсадларини, унинг халқаро тажрибасини ёйиш, шу мақсадларда партия мафкураси тизимини ишлаб чиқиш, илғор демократик мамлакатлардаги либерал партиялар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва улар билан умум мафкуравий соҳаларда ҳамкорлик қилишни йўлга қўйиш, партия ғояларини бошқа партиялар билан мафкуравий рақобатдошлик асосидаги сайловлар компанияларида сайловчилар онги ва дунёқарашига сингдиришга интилиш; партия ғоясини ифодаловчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар вакиллари ва партия фидойилари номзодларини парламент, вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти органларига сайланишлари учун кенг фаолият юритишдир.

Партия умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, умумий тарзда ишбилармон ва тадбиркорларни ўзининг ижтимоий таянчи, деб эълон қилди.¹

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатдаги мулкдорлар ижтимоий қатламини сиёсий куч сифатида интеграция қилиш, уларнинг ҳар бирида сочилиб ётган сиёсий манфаатларини партия тимсолида бир жойга тўплаш, ана шу пайдо бўлган қатта сиёсий куч ёрдамида мулкдорларнинг муаммоларини бартараф этишга ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилди.

“Партия ўз олдига турли назорат идоралари ва турли даражадаги мансабдорларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятига асоссиз аралашувига барҳам бериш соҳасида ҳам аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш

¹ Қаранг: Тошматов Қ.Ф. Мақсад-жамиятни эркинлаштиришга хисса қўшиш.- Т.: XXI аср, 2004, 1-январь.

вазифасини қўйган”¹. Хуллас, партия тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини барча даражаларда ҳимоя қилиш каби йўналишларни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилади.

2004-2011 йиллар давомида партиянинг 218 та Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, 6500 дан ортиқ бошланғич ташкилотлари ташкил этилди. Партия аъзоларининг сони қарийиб 200 мингга етди. Уларнинг 70 фоизини тадбиркорлар ва ишбилармонлар ташкил этди. Партия 2003 йил 15 ноябрдан бошлаб ўзининг бош нашри – «XXI аср» газетасини таъсис этди.

Жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий ҳол Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. “Менимча, қайси ғоя инсоний бўлса, одамларга фойдаси тегса, ўша ғоя жамият учун керак”². Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий аҳвол анча барқарор бўлиб турибди. Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Келажакда жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин, уларнинг сони қанча кўп бўлмасин, қайси партия олдида қандай вазифа қўйилмасин улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек: “Партия дегани - бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муаян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади”³.

Бугун баъзи чекка қишлоқларда ёки шаҳарларда ҳам кўпчилик нечта партия борлиги, уларнинг мақсад вазифалари ҳақида билишмайди. Нафақат мақсади, балки уларнинг тўлиқ номини ҳам билишмайдиган юртдошларимиз орамизда

¹ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон либерал-демократи партияси дастури. – Т.: XXI аср 2004 йанвар.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996, -16 бет

³ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажакимизнинг асосий омиллари. -Т.: Ўзбекистон, 2013, 25-бет.

топилади . Масалан, биргина Ўзбекистон Миллий университети талабаларининг 100 нафари ўртасида “ Сиз бугунги кун сиёсий партиялар фаолиятини қандай баҳолайсиз?” деган савол жавоблар натижаси шуни кўрсатдики, уларнинг фикрича гўё Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ўзаро ғоявий курашмаяптилар. Улар бугунги кунда даҳанаки жанг олиб бориб ўз-ўзини макташдан юқорига ўтишмаяптилар. Сиёсий партияларга берилган ҳақиқий баҳони эса сайлов натижалари кўрсатади. Бундан кўриниб турибдики партиялар фаолиятидаги асосий вазифа сайловчилар овози учун кураш, асосий мақсад халққа хизмат қилишдир. Биз партияларнинг ўзаро кураши ҳам эмас, ғоялари кураш ҳам эмас, балки сайловчилар овози учун кураши тарафдоримиз. Чунки партияларнинг ҳар хил ғоялар ўртасидаги даҳанаки жанги жамият тараққиёти учун хизмат қилмайди. Сиёсий партиялар фаоллигини ошириш учун энг аввало фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий маданиятини юксалтириш лозим. Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги сиёсий партияларнинг сиёсий фаоллигини белгилайди. Яъни сиёсий партияларнинг фаоллиги фуқаролар сиёсий фаоллигининг ифодасидир. Буларсиз сиёсий партиялар жамиятдаги ўрнини топа олмайди. Ўз келажаги ва равнақини ўйлаган ҳар қандай партия фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш учун курашмоғи лозим.

Бизнингча партияларнинг ҳокимият учун курашишдан мақсади ваколатлар тизимига эга бўлиш ва улар орқали ўз дастурларини, қарашларини ҳаётга тадбиқ этишдир.

“Миллий Тикланиш” ва “Адолат” социал-демократик партияларининг сайловолди дастурини ўқиб чиқиш натижасида қуйидаги хулосага келдик.

Демак “Миллий тикланиш” демократик партияси партияси илгари сураётган миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш орқали миллатни ўзлигини англатиш, миллий ғурур ватан туйғуси каби тушунчаларни воқеийликка айлантиришга интилишлари “Адолат” сотциал-демократик партиясининг жамиятнинг барча соҳаларида адолатни қонун устуңлигини таъминлаш, бобокалонимиз Амир Темурнинг “куч – адолатдадир” деган тамойилига изчил амал қилиш борасидаги қарашлари, шак шубҳасиз Ўзбекистонда олиб борилаётган

ташқи ва ички сиёсатга тўла-тўқис мос келади. Ушбу партияларининг мақсад ва интилишларини амалдаги ҳокимият ифодаламакда. Шундай экан улар ҳокимият тепасига келишдан кўра, ҳокимият орқали ўз қарашларини ифода этсалар кўпроқ манфаат топармиди? Шундай қилиб бугунги кундаги партиялар шунчаки партия тузиш учунгина тузилмаслиги ҳар бир партия ўз қиёфасига, жамиятнинг ўзи суянадиган қатламлари манфаатларини ифода қилувчи аниқ дастурга эга бўлиши лозим. Юқоридаги фикралимиздан келиб чиқиб хуласа қиладиган бўлсак ҳар бир партия ўз қиёфасига, жамият суянадиган аниқ дастурига, домий сайловчиларига эга бўлиши керак. Бундан ташқари улар қонун чиқарувчи ва вакиллик органларида ҳамда ижро органларида ҳам кўпроқ ўрин олишга ҳаракат қилмоғи лозим. Ҳар бири ўз дастури тўғри эканини, фаровон ҳаётга айнан мана шу дастур орқали эришиш мумкинлиги исботлаган ҳолда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиши керак.

1.2 Матбуотнинг сиёсий партиялар фаолиятида тутган ўрни

Дунёдаги мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни ёппасига қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Аввало, ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти ҳамда, илм-фан ва маданий бойликларини ўзлаштиришга улкан имкониятлар яратадиган жараёндир. Ўтган аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, дунёдаги икки қутбнинг тугатилиши натижасида жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартирди. Хилма-хил ғоялар билан қуролланган турли манбалардан озиқланадиган мафкуралар асосини инсон қалби ва онгини эгаллаш асосий мақсадга айланди. Диний экстремистик оқимларнинг ғоявий қурашидан келиб чиқадаган хавфни олдиндан кўра билган давлатимиз раҳбари "...айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга, энг қизиғи, мафкуравий таъйиқ унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин" деб огоҳлантирган эди. Мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш, уларни дунё стандартларига етказиш ва шу асосда ахборотлашган жамият сари жадал интилиш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилганлиги. Жумладан: "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кенг кўламли ислохотлар янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги

демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришни таъминлади. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислохотлар амалга оширилди.

Демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Шу боис мамлакатимизда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинлигини таъминлашнинг муҳим шарт ва таркибий қисми бўлган оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида туб янгиланишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг қудрати, унинг нечоғлик ахборотга эгаллиги, ахборот тизимининг шаклланиши билан белгиламоқда десак, муболаға бўлмайди. Зеро, ҳолис ахборот жамиятнинг онг ва тафаккурини шакллантирувчи куч ҳисобланади. Ахборот тақчиллиги мавжуд жамиятда саросима, ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келади.

“Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислохотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор”¹.

Ҳап сиёсий партиялар матбуотининг демократик жамиятнинг муҳим бўғини хусусидаги роли ҳақида кетар экан, аввало, Ўзбекистонда сиёсий партиялар давлат ва жамият ҳамда қарорлар қабул қилишда, шунингдек демократик жараёнларни ривожлантириш, фуқаролик институтларини мустаҳкамлашдаги ўрни ва роли кучайиб бораётганлигини алоҳида

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5- жилд.- Т.: Ўзбекистон, 1997, 109-б.

таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу жараёнлар табиий равишда партия матбуотига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Ана шундай кенг қамровли демократик ўзгаришларда партияларнинг матбуот нашрлари ҳам алоҳида ўрин тутади. “ Матбуотда коммунистик мафкуранинг суриб ташланиши натижасида унинг ўринини сиёсий фикрлар хилма-хиллиги эгалламоқда. Кўппартиявийликнинг ташкил топиш натижасида хусусий нашрлар ҳам пайдо бўлди”¹. Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг – **“Ўзбекистон овози”** -**“Голос Узбекистана”** (ҳафтада уч марта нашр қилинади), Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг – **“XXI аср”** (ҳафтада бир марта), Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг – **“Миллий тикланиш”**(ҳафтада бир марта), Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг – **“Адолат”** (ҳафтада бир марта) газетаси нашр қилинмоқда. Барча сиёсий партиялар ва нашрларининг интернетда ўз веб-сайтлари, электрон почталари мавжуд.

Таъкидлаш жоизки Ўзбекистон тараққий этган демократик давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланиш билан бир қаторда, демократик ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлади ва барча ислохотлар, жумладан , мазкур жараён сиёсий партиялар нашрлари қуйидаги долзарб вазифаларни бажармоқда.

Биринчидан, кўппартиявийлик тизими биз учун янги ижтимоий жараён бўлганлиги боис, партияларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, одамларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш ва уларни сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, партиялар ғоя-мақсадларини

¹ Абдуазизова Н. Мустиқил Ўзбекистон журналистикаси тарихи.Т.: Академия 2007, 41-б.

тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида ҳар бир партиянинг матбуот нашрини таъсис қилиш амалиёти қўлланмоқда.

Иккинчидан, партия матбуот нашрлари орқали партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар фаолияти билан сайловчиларни мунтазам таништириб бориш, шунингдек, партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларининг қонун ижодкорлиги ҳамда қарорлар қабул қилишдаги иштироки билан кенг жамоатчилик хабардор қилинмоқда.

Учинчидан, партия матбуоти Ўзбекистонда парламент журналистикаси шаклланишида ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Либерал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Адолат” социал демократик партиялари фракцияларидан иборат “Демократик блок” вужудга келди ва ушбу блокка нисбатан Халқ демократик партияси фракцияси ўзини муҳолифатда эканлигини эълон қилди. Қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳаларининг қўмиталар, фракциялар ва ялпи йиғишларидаги муҳокамаси ишчанлик, баҳс-мунозара руҳида ўтмоқда ва бу жараёнлар партиялар матбуот нашрларида “Парламент”, “Фракция”, “Депутат нуқтаи назари” ва бошқа рукнлар остида берилмоқда.

Партия нашрлари, аввало, мавзу йўналиши, ижодий концепсияси, масалага ёндошувини матбуот нашрларида ёритиши жиҳатдан бошқа газеталардан фарқ қилади. Партия нашрлари масалага сиёсий жиҳатдан ёндошиб мавзунини очиқ беради. Партия матбуоти сиёсий партиялар фаолиятида жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган таъсирчан мафкуравий ҳамда партия ташкилотлари ишида ошкоралик ва демократияни таъминлашда етакчи восита ҳисобланади.

Сиёсий партияларнинг бир-биридан фарқи ва улар ўртасидаги рақобат энг аввало мафкуравий ва ғоявий курашга асосланишини назарда

тутсак – айти тафовут ўз ижодий йўналишини партиянинг дастурий мақсадлари асосида белгиловчи партия матбуот нашрларининг қиёфаси ва мазмунида ҳам акс этиши лозим. Чунки, ҳар қайси партиянинг Дастури, мақсад-ғояларига мос келадиган сиёсати, мафкураси мавжуд. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сиёсий партия бошқа партиялар билан рақобат ва ўзаро курашда бўлади. Буларнинг барчаси демократик жамиятга хос бўлган хусусиятлардир. Шу нуқтаи назардан партия матбуот нашрларини кўздан кечирсак, таҳлиллар қуйидаги натижаларни кўрсатди:

Биринчидан, мамлакатимизда нашр қилинаётган барча партия газеталари ҳам мазмунан, ҳам техник ижро жиҳатдан бир-биридан фарқланади.

Яъни Миллий тикланиш ва Адолат газеталаридан мисол келтириш мумкин. Газеталар кўтариб чиқаётган муаммолар ва мавзуларда қарашлар ва фикрлар хилма-хиллиги акс этмоқда. Масалан, халқнинг турмуш даражасини боғлиқ масалага, Халқ демократик партиясининг нашри “Ўзбекистон овози” газетаси партиянинг ғоясидан келиб чиқиб, кўпроқ аҳолини ижтимоий муҳофазасига эътибор қаратса, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг нашри “XXI аср” асосан одамларга тадбиркорлик, ишбилармонлик учун кенгроқ шароит яратиш орқали фаровонликка эришиш масаласини илгари суради.

Иккинчидан, партияларнинг матбуот нашрлари демократик жамиятга хос – жамиятимизда пайдо бўлаётган у ёки бу масала-муаммога нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш ва жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, қарашлар ва таклифлар асосида партиянинг ҳаракат дастурларини тузишга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Учинчидан, “Миллий тикланиш” газетаси демократия масаласига ўзбек халқининг бой ўтмиш мероси, давлатчилик анъаналари, миллатнинг менталитети нуқтаи назаридан ёндошса, “Адолат” газетаси ушбу масалани

кўпроқ классик социал-демократик кадриятлар асосида кўтариб чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Партия матбуот нашрлари ва муассислар ўратасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари қонунлар ва партиялар уставлари билан тартибга солинган. Партия матбуот нашрлари билан партиялар марказий ташкилотлари ўртасида тузилган таъсис шартномага кўра – партия газеталари ўз ижодий фаолиятида эркин ва мустақилдир.

Муассислар ўз нашрларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши амалиёти ҳам мавжуд. Хусусан, партия газеталарининг маълум бир харажатлари муассисларнинг молиявий ёрдами асосида қопланиши, яъни газеталар доимий равишда партиялардан молиявий ёрдам олиб турганлари фикримиз далилидир.

Демократия ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро боғлиқ тушунчалар эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Дунёда газета нашр қилиш бошланганлигига қарийиб 600 йил бўлаётган бўлсада, ҳамон матбуотнинг вазифаси ва жамиятдаги ўрни қандай бўлиши лозимлиги хусусидаги баҳслар тўхтагани йўқ. Назаримда матбуотнинг биринчи вазифаси холислик бўлса, иккинчиси тўғрисиқликдир. Ҳақ сўз доимо одамларни ўзига тортади, жамиятдаги соғлом кучларни уйғонишига олиб келади ва у муқаррар ишонч уйғотади.

Партия матбуот нашрларининг демократик жараёнларда тутган ўрни ҳақида фикр юритарканмиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларнинг нашрлари партиялар суянадиган ижтимоий қатлам ва электорат билан сиёсий партияни ўзаро боғловчи маънавий, мафкуравий кўприк сифатида ўз фаолиятларини янада кучайтиришлари зарур. Зеро давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек “Партия тарафдорлари нима учун курашаётганини ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари, аниқ ёндошув позицияларга эга бўлишлари керак. Уларни асослаш, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат

қиладиган ғояларни амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориши даркор деб ўйлайман”¹.

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки, албатта ахборот эркинлигини билан боғлиқ. Оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга яъни ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган очиқ минбарда туриб, олдимзда қўйилган улуғ мақсадларга эришиб бўлмайди десак хато бўлмайди.

Мамлакатимизда нашр этилаётган партия матбуотининг мақсад вазифаси партияларнинг дастурлари билан ҳамбарчас боғлиқ. Мавжуд партияларнинг мақсади муштарак, янги демократик, ҳар томонлама тараққий топган жамият барпо этиш бўлиб, фақат тактика масалаларидагина фарқланиши мумкин.

“Сиёсий партиялар мамлакатимизда нафақат фуқаролик жамиятининг асосий мақсад вазифаларини рўёбга чиқарувчи, балки жамият аъзоларининг барча соҳаларидаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ифодаловчи ҳамда ҳимоя қилувчи махсус жамоат бирлашмалари бўлиб хизмат қилмоқда.”²

Бу йўлда партия матбуотининг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Партия матбуотининг функцияси бошқа босма нашрлар ёки оммавий ахборот воситаларининг вазифалари билан қўп жиҳатдан фарқ қилади, яъни улар асосан, сиёсий салоҳиятини оширишга қаратади. Бундан ташқари партия матбуоти партия олиб бораётган функцияларнинг сиёсий, ижтимоий, ташкилотчилик фаолияти билан боғлиқ. Унинг жамият истиқболи учун режалаштирган дастурини амалга ошириш борасида халқ билан партия орасида ўзига хос қўприк вазифасини ўтамоқда. Партия газеталари мамлакат аҳолисининг муайян қатлами, гуруҳининг манфаатларини ҳимоя қилади. Яъни ҳар бир ижтимоий воқеага уларнинг сиёсий, ижтимоий маънавий-ахлоқий қарашлари нуқтаи назаридан туриб баҳо беради. Айни пайтда ҳар бир фаолият юритаётган партиянинг дастури, низоми ва белгиланган сиёсий йўли газетанинг ҳам мавзу доираси шаклланишига замин

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т.7.-Т.:Ўзбекистон, 1999.-311-312-б.

² Номозов М.Партия матбуотининг жамиятдаги роли-Т.:Ўзбекистон матбуоти, 3- сон, 2012.-29-б.

яратади. Шунингдек, партиялар матбуоти жамият барча қатламлари билан алоқа ўрнатувчи ижтимоий воситачи сифатида бекиёсдир. Айниқса, ахборот айрибошлаш ва уни олиш воситаси сифатида газетанинг ҳаммага очиқлиги, унинг демократлилигини, ундан жамиятнинг ҳар бир аъзоси фойдалана олиш имкониятини таъминлайди. Партиялар матбуотининг оммавий ахборот воситалари ижтимоий институт сифатида ҳокимият ва фуқаролар ўртасида боғловчи бўғин сифатида хизмат қилади. Журналистлар учун энг самарали ва таъсир усуллардан бири бу қиёсий таҳлил ҳисобланади. Депутатликка сайланган номзодлар ўз сайловчиларига дейлик қуруқ ваъдалар бермоқда. Шу пайтда журналист муаммо ечимини партия вакиллари қандай таҳлил қилаётгани ҳамда айнан шу муаммо хусусида рақобатчи партия номзоди қандай ваъдалар бераётганини ва бу ваъдаларнинг қай тартибда бажарилаётгани каби ҳолатларни журналист ҳолис, адолатли таҳлил қилиш лозим. Журналист шуни ҳам назардан четда қолдирмаслиги керакки, таҳлил жараёнида баҳс-мунозарани иккинчи томон нафсониятига тегмай, касб одоби доирасидан чиқмаган ҳолатда иш юритиши лозим. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари учун фуқароларга қонунлар, фармонлар, қарорлар кўринишидаги бошқарув ахборотини етказиш учун жамиятни бошқаришнинг энг самарали воситаларидан бирига айланган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари ғоят ибратли ”Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақи равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор”¹.

Дарҳақиқат, демократик жамиятни барпо этиш жараёнида давлат қарорларининг халқчил бўлиши, бу қарорларнинг давлат ва жамият ҳаёти барқарорлиги ва сиёсий жараёнлардаги кенг иштирокига боғлиқ. Фуқаролар фаоллиги эса улар мансуб бўлган социал қатлам ўз манфаат, эҳтиёжларини нечоғлиқ ифодалай олишларига боғлиқ экани ҳам аини ҳақиқат.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.7-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1999, 390-бет.

II боб. Партиялараро сиёсий курашларнинг матбуотдаги акси .

2.1. ”Миллий тикланиш” газетасининг сиёсий ғояларни тарғиб этиш борасидаги роли.

Жамиятимизда демократик тамойиллар тобора чуқурлашган сари сиёсий ижтимоий жараёнларнинг турли кўринишдаги номоёни ва, айниқса, таъсир этиш кучи ошиб боради. Бу ҳолат сиёсий курашлар, ғоявий тўқнашувлар ва мафкуравий карама-қаршиликлар силсиласида янада кескин муросасиз тус олади.

Табиийки, бунда барчанинг мақсади: давлат жамият бошқарувида етакчи ёхуд мутлоқ мавқега эга бўлиш, фуқаролар хайрихоҳлиги ёки уларнинг аксарият қисмини қўллаб-қувватлашига эришиш, мамлакат ҳаёти ва келажаги билан боғлиқ ҳал қилувчи масала, вазифа, қарор қабул қилинишида ўзининг мақсадини амалга оширишдир. Сиёсий партияларнинг халқ ишончини қозониши, ғоялари ва қарашларини аҳолига етказишда, фуқароларининг айниқса, ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий онгини ривожлантириш ва уларнинг бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли муносабатда бўлиб, мустақил фикрлаши ва мамлакатимиздаги ислохатлар жарёнига даҳлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатишда ОАВнинг ўрни бекиёс. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланганидек, сиёсий партиялар ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилишга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Мамлакатимиз демократик ислохотларининг самарали амалга оширилишида сиёсий партияларнинг нашрлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улар партия ғояларини сайловчиларга етказишнинг энг қулай воситаси бўлиб, партиявий ва партиялараро мулоқотни ташкил этувчи асосий восита ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари 2010 йил 28 январ куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партиялар ва уларнинг матбуот нашрлари олдига бир қатор вазифалар қўйди. Ушбу амалий тавсиялардан келиб чиқиб, ҳар бир партия ва унинг нашри ўз фаолиятини жонлантиришга ҳаракат қиляпти. Жумладан, бугун газеталар саҳифаларида баҳс-мунозарага чорловчи, ўз-ўзини танқид руҳидаги мақолалар кўзга ташланаяпти.

Хўш, партия газеталарининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, улар фаолиятига ҳолис баҳо беришда қайси мезонларга суяниш, қандай ўлчовларга асосланиш, қолаверса, нечоғлик қатъият ва муносабат, маънавият ҳуқуқ, касбий этика нуқтаи назаридан ёндошиш мумкин?

Албатта, ҳар қандай матбуот матбуот органининг рейтинг, таъсир самарадорлиги, ижодий фаолият натижалари, оддийроқ қилиб айтганда, ўқимишлилигини охир оқибат муштарийлар, газетхонлар аудиторияси белгилайди.

“Миллий тикланиш” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг нашри ҳисобланиб, адади 14 минг нусха атрофида, ҳафтанинг чоршанба кунлари А2 форматда нашр этилади. Газета “Фидокор” ва “Миллий тикланиш” партияларининг бирлашганидан сўнг шу ном остида 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган. Газета 8 саҳифада чоп этилиб, дастлабки 4 саҳифада (Сиёсат, Партия ҳаёти, ЎЗМТДП дастури-амалда, Жараён каби рукнларда) партия ҳаётига оид ахборий ва таҳлилий материаллар бериб борилади. Газета муҳбирлари Камолиддин Хотамов, Тўмарс Аъзам, Шоҳида Марс қизи, Шаҳзод Ғаффоров, Муҳтарама Комилова, Эркин Дориповлар томонидан мақолалар тайёрланиб газета саҳифаларида мунтазам ёритиб борилади. 5 ва 6 саҳифалардан ижтимоий ҳаёт ва жамият ҳаётининг маънавият соҳаларига оид материаллар ўрин олган бўлса, 7 саҳифа “Халқаро ҳаёт” деб номланади. Саҳифада жаҳонда рўй бераётган муҳим воқеа, ҳодисалар шарҳланиб, “Бизнинг шарҳ” рукни остида эълон қилиб борилади. Мақолалар нафақат газета муҳбирлари балки чет

муаллифлар томонидан ҳам эълон қилинади. “Халқаро ҳаёт” рукнида интернетдаги олди олди қочди ёки кўчирма материаллар эмас, балки дунёда рўй бераётган муҳим воқеаларга миллий ўзлигимиз ва манфаатларимиз нуқтаи назаридан билдирилган муносабатлар газетхонларда илиқ таъсиротлар қолдиради. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий мақсадларида юртимизнинг шонли тарихини, жумаладан, миллатимиз маънавий оламини, жаҳон илмий тафаккурининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган аجدодларимиз меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада кўплаб мақолалар эълон қилинапти. 8 саҳифаси “Кўзгу” деб номланиб унда асосан маданият хабарлари, халқ ижодиётига оид мақолалар ўрин олган. Газетанинг ютуқларидан бири шундаки, партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мақолалар ёритилади. Масалан, 5, 6 саҳифалардаги мақолалар юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Газетанинг 2012-2014 йиллардаги сонлари таҳлил қилинганда анча қисмини жамият ҳаётининг сиёсий соҳасига бағишланганлиги аниқланди. Улар орасида партия дастурларини тарғиб қилишга қаратилган таҳлилий мақолалар алоҳида ўрин тутди. Мазкур нашрни варақлар эканмиз, партия сиёсий дастуридаги мақсадларга хизмат қилувчи материалларни кўплаб учратдик. Сиёсий партия ҳам сиёсий куч, у давлатнинг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Бугун мамлакатимизда демократик тараққиётининг янги босқичи амалга оширилмоқда. Хусусан бугунги кунда республикаимизда кўппартиявийлик тизими йўлга қўйилган бўлиб тўртта партия фаолият олиб бормоқда. Ҳамма партиялар ўз дастурий ғоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиши муҳим аҳамият касб этади. Партия дастуридан келиб чиққан ҳолда фаолиятини ўзаро баҳс мунозаралар, тадбирлар орқали жамоатчилликни жалб этишга уринишади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сайловолди Платформасида партия миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онига сингдириш, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат кучли фуқаролик жамиятини

қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсади деб таъкидлаган. Хусусан, ”Миллий тикланиш ғоясини энг яхши тарғиботчиси “ танлови ҳам партия ғоя ва мафкурасини тарғиб қилувчи энг ёрқин лойиҳаларни бири десак муболаға бўлмайди. 2012 йилнинг 26 декабр сониди Шохиди Даманованинг “Партия Лойиҳаси” руқни остида “Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси“ танловининг республика босқичи ғолиблари аниқланди номли мақоласида кўрик –танлов ЎзМТДП дастурий мақсадлари, мафкураси ва ғоясини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш борасидаги фикр мулоҳазалари келтирилган. Танлов ғолибларидан олинган интервьюлар билан мақола ҳажми кенгайтирилган. Мақола бир нечта факт ва маълумотлар партия сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган. Бирок мақолада фақат фактларгина асосий ўринга чиқиб, шахсий фикр, мулоҳаза ва ҳулоса кейинги планга тушиб қолган. “Партия хотин- қизларни жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий кадрятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишни таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб боришни устувор вазифаси деб билади”.¹

Газетанинг 2013 йил 27 ноябрь сониди”Аёллар қаноти “ руқни остида “Донолик ва ташаббускорлик –сиёсий етакчилик мезони” номли мақолада кўрик танловнинг республика босқичи яқунлари ҳамда танлов ғолиблари ҳақида маълумотлар берилган. Партия ўз фаолиятини аниқ мақсадга қаратилган йирик лойиҳалар орқали амалга ошириб келмоқда. Аёллар, ёшлар, партия электорати вакиллари манфаатларини ифода этишга қаратилган лойиҳалар партиянинг кенг жамоатчилик орасидаги нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мақолада партия сайловолди Платформасида кўзда тутилган ғоя ва дасурий мақсадларни очиб беришга

¹ Ўзбекистон “Миллий тикланиш “ демократик партиясининг сайловолди Патфомаси.-Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт –матбаа уйи, 2001, 8-бет.

ҳаракат қилинган. Мақолани ўқиш чоғида тадбир ва унинг иштирокчилари тўғрисида етарлича маълумотлар келтирилган. Бироқ журналист нуктаи назаридан таҳлил қилинмаган. Фақат маълумотлар билан чекланган. Бошқа мақолалардан фарқли жиҳати деярли сезилмайди, таҳлил қилинмаган, умумий фикрлар мақолани қамраб олган.

Журналист мақоласидаги мазмун объектив ва субъектив унсурларнинг қўшилиувидан ҳосил бўлади. Танланган мавзуга оид ҳодисаларга, шахсларга боғлиқ барча фактлар ва деталлар- объектив унсурлардир. Журналист шахси, вазифаси, мақсади билан боғлиқ унсурлар эса субъектив ҳисобланади.

Факт-мазмуннинг асосий унсури. “Ҳаётда алоҳида юз берган, ўйлаб чиқарилмаган, аниқ бир воқеа-ҳодиса факт дейилади. Турли статистик манба ва рақамлар эса унинг кўринишларидир”, дейди тадқиқотчилар. Журналистнинг кимлиги қайси факт устида ишлаётгани, яъни нима ҳақида ёзаётгани билан белгиланади. Ғоя ҳам мазмуннинг энг муҳим унсуридир. Бошқа унсурлар-факт, муаммо, конфликт каби унсурлар ғояга боғлиқ ҳолда қўлланилади. Шу маънода ғоя бирламчидир, етакчидир. Ғоя туфайли биз мавзунини танлаймиз, унга боғлиқ ҳодиса, фактларни ҳам чексиз, тартибсиз оқимдан саралаб оламиз.

Ғоя ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Масалан, миллий истиқлол ғояси бир миллатни мустамлакачилик зулмидан қутулишга, курашга йўналтириши билан эзгу саналади ва улуғланади. Аксинча, мустамлакачилик ғояси босқинчиликка, зулмга йўналтириши боис ёвузлик ҳисобланади ва қораланади. Шунингдек, ғоя ҳаққоний (табиий) ёки сохта бўлиши ҳам мумкин. Мустамлакаларда, тоталитар ёки диктаторлик жамиятларида оммани алдаш ва чалғитиш учун яратилган сохта ғоялар ҳам бўлади. Шундан келиб чиқиб, ғоя шарҳга, умуман журналистиканинг ривожига яхши ё ёмон таъсир қилиши мумкин.

Турмушни юксалтирадиган ғояларни илғаб олиш, ҳаётга тадбиқ этиш журналист маҳоратига боғлиқлигига эътибор қаратдик. “Миллий тикланиш” партияси ҳам бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган

илғор ғояларни ишлаб чиқиб, аҳолига тарғиб қилмоқда. Газета ҳам шу ўринда партия фаолиятини ёритишда етакчидир. Таъкидлаш жоизки, партия нашрларининг вазифаси ўзига хос ОАВлар ичида танланган стандартлар билан чегараланмайди ва ташкилотнинг сиёсий мақсадлари амалга ошишига кўмаклашиш вазифаси ҳам юқаланиши илмий ёндашувларни ҳам бирмунча мураккаблаштиради.

Партия нашрларининг чуқур таҳлил этилиши шунини кўрсатмоқдаки, сайловлар даврида уларнинг вазифаси сезиларли равишда ортади. Шу боис сайловолди компанияси даврида мазкур нашрлар адади сезиларли равишда ортади, тузилиши ва тематик йўналиши ўзгаради.

Бугунги матбуотимизнинг ютуқ ва камчиликлари маълум. Вазият жаҳон журналистикасининг илғор тажрибасидан ўрганишимизни тақозо этмоқда. Бунини Ўзбекистон Президенти И.Каримов ҳам жуда тўғри таъкидлаган: Матбуот ва ошкораликнинг бугунги ҳаётимиз ва келажагимиз учун аҳамияти ҳақида гапириш ортиқча деб ўйлайман. Мен бугун журналистларга, матбуот аҳлига мурожаат қилмоқчиман. Нега газеталар бунчалик саёз, «жим-жит», гўё ҳамма ёқда «олам гулистон»дек? Нега матбуотимизда ўткир фельетонлар ёзилмайди? Нега ноқобил ишбилармонлар, порахўр ходимлар фош қилинмайди? Ахир улар адабий асарда, матбуот саҳифасида, телевидениеда ўз қийшиқ башарасини кўрса, халқнинг нафратига гирифтор бўлса, ибрат бўлмайдими? Афсуски, орадан ўн йил ўтса ҳам, бу саволларга матбуотимизда ҳали тўла жавоб берилмади. Фахриддин Низомнинг «Янгиладил анъанаси» рисоласида анча йиллар олдин муҳим бир фикр илгари сурилганди: «Матбуот эркинлаша бораётган, хусусий оммавий ахборот воситалари пайдо бўлаётган, ахборот тарқатишга давлат монополияси бекор қилинаётган ҳозирги шароитда бизда ҳам Ғарб матбуотини тарқатишни йўлга қўйиш керак бўлади. Бу билан, биринчидан, чет тилларни ўрганишга бўлган иштиёқ янада кучайган, иккинчидан эса, Ғарб матбуоти тажрибасидан ўрганажак, эркин фикр, эркин фикрлаш ва рақобат муҳити вужудга келган бўлар эди. Сир эмаски, хурфикрлилик

қонунлар қабул қилингани ёки журналистларга шароит яратиб берилгани билан бирдан пайдо бўлиб қолмайди. Уни узлуксиз жараён юзага келтиради».

Ахборий маданият қанчалик юқори бўлса муҳарририят ижодий ходимлари узатган ахборот ҳам шунчалик мазмунли, эътиборли ва самарали бўлади.

Шуниси ҳам борки, ахборий маданиятга ОАВнинг барча турларида бир хилда амал қилинавермайди.

Оммавий ахборот воситалари турли кўринишларида фаолият олиб боровчи журналистлар касбий-ахборий маданиятининг бу хилда тоифаланиши масаласи тадқиқотчилар томонидан шу кунгача тавсифлаб берилган эмас.

Бинобарин, турли муқобил нашрлар, хусусан, сиёсий партиялар матбуоти журналистларининг фикрлаш тарзи ҳамда касбий-ахборий маданиятидаги ўзига хослик моҳиятини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Демократия ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, дастурий ғояларни, мафкуравий нуқтаи назарларни ва концепцияларни тарқатиш борасида оммавий аудитория учун кураш кучайган кўп фирқалилик шароитида муҳолиф сиёсий кучлар матбуоти турли усул ва воситалардан фойдаланадилар: муҳолиф томонни, айниқса, уларнинг раҳбарларини обрўсизлантирувчи турфа хил ёлғон-яшиқлар ҳақиқат сифатида талқин этилади. Бундай вазиятларда репортёрлар ўта аччиқ ва қўпол сўзлар ишлатишдан, кескин ва ғаразли баҳо беришдан, ҳиссиётга йўғрилган насиҳатомиз оҳангдан сақланишлари лозим. Муҳолиф томонни асоссиз айблашни, уни ҳақорат қилишини демократиянинг ифодаси сифатида тушуниш ва шу ақидага амал қилиш жамиятда қарор топган ахлоқий маромларнинг ва муносабатлар бузилишига олиб келади.

Журналистлар қандай ОАВда ишлашдан қатъий назар, муайян ижтимоий-маънавий қадриятларни, ахлоқий аҳкомларни муҳофаза қилувчи ва тарғиб этувчи касб эгалари эканликларини ёдда тутишлари зарур. Айни пайтда журналистлардан ОАВ фаолиятини тартибга солувчи қонунларда ва

халқаро ҳужжатларда белгилаб қўйилган муайян ахлоқий тамойилларга риоя қилиш талаб этилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, журналистнинг касбий-ахборий маданияти кўп жиҳатдан унинг ижтимоий, таълимий, тарбиявий омиллар асосида шаклланган умумий маданий даражаси билан боғлиқ (бунда унинг муайян маданий муҳитда – оилада, маҳаллада, мактабда ва мактабгача бўлган муассасаларда олган тарбияси, билими, тажрибаси муҳим аҳамият касб этади). Журналист шахсининг устивор сифати бўлмиш умумий маданийлик даражаси унинг касбий маданиятининг муайян жиҳатларини тайин этувчи муҳим имкониятдир. Айтиб ўтиш жоизки “Миллий тикланиш” газетасида 2013 йил ичида танқидий мақолалар деярли сезилмади. 2014 йилга келиб газета саҳифаларида танқидий мақолалар кўрина бошлади. Ёзилган танқидий мақолалар сони жуда камчилиқни ташкил этгани боис, таҳлил жараёнида 2012 йилдаги мақолаларга урғуни кўпроқ қаратдик. Газета саҳифаларида “Ўз-ўзини танқид”, “Партиялараро мунозара”, “Фракциялараро кураш” рукнлари остида танқидий, таҳлилий мақолалар бериб борилади.

Хусусан, газетанинг 2012 йил 28 феврал сонидан Анорбой Норқуловнинг “Ўз-ўзини танқид” рукни остида “Фаолиятни кучайтирмоқ зарур” номли мақоласи ўрин олган. Унда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Сардоба ва Гулистон туман кенгашларининг депутатлик гуруҳлари томонидан олиб борилган ишларига батафсил тўхтанилган. Қатор салбий фикрлар билдирилган бўлсада улар шунчаки қоғозда юзаки ёритилганини бир кўришдаёқ сезиш қийин эмас. Мавзуга ясалган хулоса унинг мазмундорлиги оширади, бироқ бу мақолада муаллифнинг саёз хулосаси газетaxonни мақоладан узоқлаштиради назаримизда. 2012 йилнинг 26 сентябрида “Ўз-ўзини” танқид рукни остида Дилноза Ҳайитованинг “Яратилган имкониятлар амалий фаолиятга қай даражада тасдиғини топмоқда?” номли мақоласида Жиззах вилоят кенгаши фаоллар ва депутатлари томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб мақолага бироз танқидий руҳ берилган. Мавзу фактлар билан ёритилган бўлса-да, муаллифнинг шахсий фикри

жўнлиги боис мақола сифати биров тушгандек . 2012 йил 12 сентябрь сонида “Партиялараро мунозара” рукни остида “Сайловолди ваъдалар уни ЎзХДП Ховос туман кенгашидаги депутатлар унитишган кўринишади “ номли мақола Анорбой Норкуловга тегишли. Унда ЎзХДПнинг Сирдарё вилоят Ховос тумани кенгашига сайланган депутатлар фаолияти ўрганлиб етарлича очиб берилган. Мақоладаги аниқ фактлар, муаллиф хулосаси иш сифатини оширишга хизмат қилган. 2012 йил 22 августда “Партиялараро мунозара” рукни остида Ўралой Турдиева муаллифлиги остида “Маҳаллий кенгаш депутатлари: Қатъият ва ташаббускорлик қани?” номли мақола чоп этилган. Кўтарилган мавзу халқ депутатлари Кармана туман Кенгашига сайланган депутатлик гуруҳларининг фаолиятлари қисман таҳлил қилинган. Маҳаллий кенгаш депутатларининг қатъиятсизлиги, ташаббускорлик етишмаслиги кабилар айтиб ўтилган. Мавзудаги қисқа хулосалар унинг ўқимшлилик даражасини оширган. 2012 йилнинг 15 август сонида Эргаш Хўжаевнинг “Партиялараро мунозара“ рукни остида “Электорат манфаатлари Асака туманидаги Ўз ХДПчилар эътиборидан четда қолмоқда“ номли мақоласи чоп этилган. Мақолада Андижон вилоят Асака туман ЎзХДП депутатлик гуруҳи вакилларининг жорий йилдаги партия дастури мақсад ва вазифалари ижроси юрасидан олиб борилган ишлар атрофлича таҳлил қилинган. 2012 йил 8 августда Шерзод Қурбоновнинг “Партиялараро мунозара” рукни остида “Партия ижтимоий қатлами манфаатлари унитишга ҳаққимиз йўқ” номли мақоласи чоп этилган. Унда Қашқадарё вилоят Касби туманида фаолият юритувчи депутатлар фаолияти, улардаги сусткашлик қаттиқ танқид остига олинган. Унда қуйидаги фикрлар келтирилган “Қизиқ, сайловолди Платформасида: “Партия ўз олдида қўйилган мақсадларга куруқ шиорлар билан эмас, балки амалий ишлар, биринчи навбатда, мулкдорлар синфи, тадбиркорлар, кичик ва хусусий бизнес вакиллари ҳамда фермерлар манфаатларини ифодалайдиган аниқ сиёсат юритиш орқали эришишга интилади”, деб ваъда берган ва шу туфайли ҳудудлардан нисбатан кўп ўрин олишга эришган ЎзЛиДеПчилар қаёқда қолишди экан. ” Мақолада баён этиш

техникаси ўзгачалиги, аниқ фактларнинг келтирилгани ҳамда муаллиф хулосаси мақола сифатини бир қадар оширган.

2012 йилнинг 14 ноябрь сонида Сарвар Отамуродовнинг “Сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат, баҳс-мунозара, ғоя ва дастурлар кураши мамлакатимизда демократик қадриятларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда” деб бошланади мақола. Унда ЎзЛиДеП ҳамда ЎзМТДП партиялари ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб қандай ишлар олиб боришаётгани ва амалда қандай натижалар-у қоғозда қандай натижалар баён этилиши бўйича қатор маълумотлар келтирилган. Ноодатий ёндошувга асосланган кириш қисми, ҳар қандай ўқувчини ўзига тортади. Мақола чуқур таҳлил қилинганлиги, фактлар билан тўлдирилганлиги, аниқ ёндошув мавзудан четга чиқмаслик ва асосийси муаллиф шахсий мулоҳазаси унинг таъсирчанлигини оширган.

“Фракциялараро кураш Халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган қонунлар қабул қилинишига замин яратмоқда” сарлавҳали мақола 2012 йилнинг 24 октябрь сонида чоп этилган. Унда сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги рақобат, аввало, сиёсий партияларни ва фракция аъзоларини янада фаол бўлишга ҳамда самарали ишлашга ундаши ҳақида фикр юритилган. Бундай конструктив баҳс-мунозара ва рақобат, биринчидан, қонун лойиҳаларини пишиқ пухта тайёрланишига хизмат қилса, иккинчидан, электорат манфаатларига хизмат қилади. Мавзу атрофида юритилган фикр ва мулоҳазалар факт ва таҳлиллار мақоланинг жонли чиқишига сабаб бўлган. Мақолада муаллифнинг шахсий фикрлари хулосада ўзининг қисқа муносабатини билдирганлиги янада унинг ўқимишлилигини оширган.

Газетанинг 2012 йил 3 октябрь сонида “Партиялараро мунозара” рукни остида “Дастурий мақсадлар ижроси амалий ишларда намоён бўлмоғи лозим” номли мақола чоп этилган. Унда ЎзЛиДеП Термиз туман Кенгаши депутатлари дастурий мақсадлар ижросини таъминлашда оқсоқлика йўл қўйишаётганлиги, улардаги қоғоздаги ижролар ҳақида фикр мулоҳазалар

юритилган. Мақолада муаллифнинг аниқ далилларга асосланган ҳолда, қисқа хулосаси унинг ўқимишлилик даражасини оширган.

“Миллий тикланиш” газетасида “Фракция йиғилиши”, “Пленум” “Конференция” каби руҳлар остида айрим депутатларнинг қисқа фикрлари берилганини ҳисобга олмаганда, ўтган йилда бу партия фаолларининг оммавий таъсир кучига эга бўлган матбуот майдонида сусткашлик қилгани яққол кўзга ташланади.

Модомики, бугунги кунда партия нашрлари партия фаолиятини ёритиш ҳамда уларни кенг оммага тарғиб қилишдек масъулиятли вазифаларни зиммасига олган экан, нега унда партия нашри “Миллий тикланиш” газетаси хабар, янгиликлар ёки интернет маълумотлари билан бойитмоқда. Ахир бу газета ҳафталик газета, хабар эса тез эскирувчи материал ҳисобланади. Айни пайтда хабар ва янгиликларни ёритувчи ОАВлар етарли бир пайтда газета таҳлилий мақолалардан биров узоклашгандек назаримизда. Газета мақолаларини таҳлил қилиш чоғида 70 фоизга яқин интернет, янгиликларга дуч келдик. Танқид келажак меваси, газетани икки йиллик сонини таҳлил жараёнида газета саҳифаларида спорт янгиликларига кам аҳамият берилганини гувоҳи бўлдик. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, газета билан газетхон ўртасида муносабат умуман кўзга ташланмади. Фикримизча юқорида келтирилган эътирозларга эътибор қаратилса газета ўз аудиторисини янада кенгайтирган бўларди. Келтирилган фикрларимизни хулосалар эканмиз бугунги кун партия газеталари бир хиллик, қолиплашиш, масалага сиёсий руҳ билан эмас оммага тушунарли, осонроқ тилда баён этиш усулларида фойдаланган ҳолда мавзунини ёритса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Хулоса қилиб айтганда, газетада миллий кадриятлар, маънавий бойликларимиз, маданият, таълим соҳаси мунтазам ёритилаётир. Бироқ депутатлар, партия фаолларининг чиқиши, жамоатчилик ва парламент назорати борасидаги таъсирчан материалларга эътибор қаратилса газета нуфузи янада ошарди.

2.2. **Жамият ижтимоий тараққиётида** “Адолат” газетаси саҳифаларида сиёсий ғоявий курашларнинг акс эттирилиши.

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳодиса, муқаррар равишда, жамиятнинг ғоявий-мафкуравий муносабатларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлади. Уларнинг барчаси жамиятнинг сиёсий тизимига, давлат ва жамият қурилишига бориб тақалади. Шу нуқтаи назардан, давлат ва жамият қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари бошқа соҳаларни умумлаштирувчи ҳамда конкретлаштирувчи аҳамиятга эга. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар муайян ғоялар асосида амалга ошади. Ҳар қандай ғоянинг асосида унинг мазмуни ва мақсадини ташкил қилган билимлар ётади. Шунга кўра, миллий ғояда биз барпо этаётган давлат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари, ундаги барча ижтимоий муносабатлар характери, бугунги истиқболдаги тараққиётимиз моҳияти тўғрисидаги билимлар мужассамлашган. Шунга кўра, муайян ижтимоий гуруҳ эҳтиёжларини қондиришга, манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қиладиган сиёсий партиялар ичида ҳам ижтимоий -сиёсий тараққиётнинг хусусиятлари, давлат ва жамият бошқаришини ривожлантириш усуллари ва воситалари ҳамда йўллари ҳақида муқобил фикрлар, ғоялар, муҳолифлик руҳидаги амалий ҳаракат дастурлари бўлиши зарур. Бироқ, мамлакатимизда ҳозир мавжуд сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви тизимига, юмшоқроқ қилиб айтганда, муҳолифатлиги сезилмайди. ”Ҳар бир партия ўзига бўлган ишончни, куч қувватни халқ ичидан олади. Шунинг учун ҳам ҳар қайси партия –халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч, сиёсий партиялар ҳам ўз ғояси, мақсад ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур”¹. Жамият бир бутун ижтимоий –сиёсий организм, унинг ҳар бир элементидаги ўзгариш, бошқа қисмига, муқаррар равишда таъсир

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.- Т.:Ўзбекистон, 2005, 13 –б.

кўрсатади. Албатта, сиёсий партияларнинг дастурларида жаҳон тажрибаларини умумлаштириб, миллат ривожланишининг истиқболдаги тенденцияси ва ўзининг стратегик-тактик вазифаларини аниқлаши, конкретлаштириши муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, сайловлар арафасида сайловчиларни ўз платформаларига оғдириб олишга бўлган интилиш-ҳокимият учун курашишишнинг муайян усул ва воситаларини танлашда, жузъий бўлса-да, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаштиришга доир дастурларини ўзгартиришда номоён бўлаётир. Ижтимоий- сиёсий ҳаётда “Партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади”¹. Сиёсий партиялар муайян жамият сиёсий жараёнларининг фаол иштирокчиси сифатида давлат бошқаруви органларининг шаклланиши ва амалий фаолиятида устувор мавқега эга бўлиб бормоқда. Чунки ҳар қандай жамиятда сиёсий партияларнинг мавжудлиги ва фаоллиги –демократик тамойиллар шаклланиши ва ривожланишининг зарурий шартидир.

“Бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд ҳар бир сиёсий партиянинг ўз оммавий ахборот воситалари, махсус нашрлари мавжудлиги, уларнинг ижтимоий қиёфасини, амалий фаолият доирасини кенг халқ оммасига кўрсатишга ва баҳолашга хизмат қилади”². Мамлакатимизда нашр этилаётган партия матбуотининг мақсад ва вазифаси партияларнинг дастурлари билан чамбарчас боғлиқ. Айни дамда мавжуд партияларнинг мақсади муштарак, яъни демократик, ҳар жиҳатдан тараққий топган жамият барпо этиш бўлиб, фақат тактика масалаларидагина фарқланиши мумкин. Уларнинг вазифалари ҳам сиёсий партияларнинг вазифаларига мос равишда дастурларидан келиб

¹ Каримов. И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш –устувор вазифамиз” маърузаси. //”Халқ сўзи”, 2006 йил 8 декабрь 240 сони.

² Мамашокиров С. Эркин ва фаровон ҳаёт курилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари.-Т.: Маънавият, 2007, 71-б.

чиқади. Партия матбуотининг принциплари ҳам мамлакат оммавий ахборот воситаларининг принциплари билан деярли муштарак бўлиб, фарқи у ўзи органи бўлган партия фаолиятинининг хусусияти билан характерланади. Ҳаққонийлик, халқчиллик принциплари билан бирга, ўз партияси манфаатлари ва фаолиятини ҳимоя қилиш асосий принципи ҳисобланади. Ўз партияси дастурларини ҳимоя қилиш муайян сиёсий –ижтимоий масалаларда бошқа партия билан баҳсга кириши табиий ҳол.

Партия матбуотида партиявийлик, ғоявийлик, оммавийлик, халқчиллик, кўпфирклилик, ҳаққониялик, ошкоралик каби принциплар мавжуд бўлиб, бу мезонлар нашрларнинг кўпқиррали фаолиятида бошқа газеталардан фарқли тарзда намоён этади. Газетанинг партиявийлик мезони партия Дастури ва Низомидан келиб чиқувчи устувор йўналиш ҳисобланади. Ғоявийлик мезони эса партиявийлик принципи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, сиёсий оппонентлар ва рақобатчилар билан мафкуравий курашнинг дастуриламал вазифасини адо этади. Шунингдек мазкур мезон электоратни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга, газета оммавий аудиториясини тўлақонли шакллантиришга, кенгайтиришга, партиянинг потециал тарафдорларни реал тарафдорларга айланишига хизмат қилади. Ушбу икки принцип партия фаолиятининг бош мезони сифатида унинг саҳифаларида кўтарилажак барча мавзуларга ёндошувда ўзига хос призма бўлиб, сиёсий ташкилотнинг дастурий вазифа мақсадлари мазкур материалларда бевосита ва билвосита акс этиши даркор. Мухими, бунда нафақат сиёсат, балки иқтисодиёт, маданият, ижтимоий ва бошқа соҳалар бирдек ёнлашувда талқин қилиниб, уларнинг ҳар бири юзасидан партия позицсияси, нуктаи назаридан келиб чиқиб муносабат билдирилади. Фақат шундай ёндашувгина партия матбуоти ўзлигини номоён этиб, жамият олдида зиммасига олган вазифаларига монанд фаолият юрита олади. Бу эса ўз навбатида сиёсий партияларнинг ҳам, унинг газетасининг ҳам электорал ахборий маконда муносиб обрў-эътибор қозонишига, уларнинг ижобий тимсоли шаклланишига хизмат қилади. Бир

карашда, улар барча матбуот органларига ўхшаб ахборот бериш ва тарқатиш функциясига биноан муҳим воқеа ва ҳодисаларни тезкорлик билан ёритиши, ижтимоий ҳаётнинг долзарб мавзуларида чиқишлар қилиши керакдек. Аслида бу вазифалардан партия газеталарини ҳеч ким бебаҳра қилаётгани йўқ. Аксинча, газета материаллари мумкин қадар кўпроқ воқеъликни қамраб олиши айтиш мумкин. Бироқ ҳамма гап бу матеалларни қай йўсинда беришда, партия платформасидан туриб ёндашув билан чинакам партиявийлик руҳида талқин этишдадир. Қолаверса, бундай ўзгача муносабат билан йўғрилган ахборий махсулотлар бошқаларнинг бир “қолип”дан чиққан хабарларидан кўра минг чандон қизиқарли ва эътиборни жалб қиладиган бўлади.

Умуман партия матбуоти, унинг типологик характеристикалари, ихтисослашган хусусиятлари, охир- оқибат ўз моҳиятига кўра, том маънода партия газетаси деган номга жавоб бериши лозим. Шу туфайли бундай газета саҳифаларида “партиялараро кураш”, “фракциялараро рақобат”, “партия қурилиши”, “ўз- ўзини танқид” каби қатор фақат шу нашрларга хос бўлган специфик мавзу – йўналишлардан иборат материаллар бўлиши шарт. Аслида бошқа матбуот органларидан ажралиб турувчи фарқи ҳам шунда. Жорий йилда олиб борилган тадқиқотларимиз натижалари шундан далolat берадики, юқорида қайд этилган йўналишларга бағишланган материаллар газеталарда кам учрамоқда.

“Адолат” социал-демократик партияси нашри”Адолат” газетаси биринчи саҳифада ”янгиликлар, воқеалар, хабарлар” рукни остида ахборотларнинг географик хилма-хиллигини таъминлаш мақсадида ҳар сонда турли мавзудаги хабарлар берилиши анъанавий тусга кирган. Фуқаролик жамиятини барпо этиш демократик ривожланиш асоси эканлиги хусусида қатор мақсад ва вазифаларни олдига қўйган “Адолат” социал- демократик партияси ана шу устувор вазифаларни амалга оширишда ўз нашрининг масъулияти, залворли улуши борлигини таъкидлайди. Чунки партия фаолларининг бу борадаги қадамлари, фикр ва мулаҳазалари газета

саҳифаларида мунтазам равишда ўз аксини топиб келаяпти. Газета ҳафтанинг ҳар жума кунлари чиқади, у 8 саҳифадан иборат бўлиб бошқа партия наршларида бўлгани каби 4 саҳифаси партия ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ жараёнларни ёритади. Ўзининг доимий рукнларига эга, масалан 2 ва 4 саҳифалари “партия ҳаёти”, учунчи саҳифаси эса “сиёсат”, бешинчи саҳифаси “муносабат”, олтинчи саҳифа “жараён”, еттинчи саҳифа “ижтимоий ҳаёт ва ниҳоят саккизинчи саҳифа “сўнгги саҳифа” деб номланади. Газетанинг икки йиллик сонини таҳлил қилиш жараёнида партия Дастури ва Низоми доирасидан келиб чиққан мавзуларга асосий урғуни қаратдик. Таҳлил натижаларини баён этишдан аввал шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, газетада ўтган 2013 ва жорий йилда чиққан мақолалар ичида “ўз-ўзини танқид”, “партиялараро рақабат”, “фракциялараро кураш” рукни остида ёритилган материаллар деярли кўзга ташланмади. Аниқроқ айтадиган бўлсак шу давр мобайнида газета саҳифаларида хусусий нашрларда бўлгани каби дидактик руҳдаги материаллар етакчи ўринга чиққандек назаримизда. “Миллий тикланиш” газетасидан фарқли ўлароқ жамоатчилик билан алоқалар хизмати нисбатан қониқарли. ”Сўранг жавоб берамиз “ кичик рукни остида газетхонлардан келган саволларга қисқа жавоб шаклида материаллар бериб бориш йўлга қўйилган. 2014 йилнинг 31 январ сониди “Парламентда “ рукни остида “Қонун лойиҳалари фракция муҳокамасида” номли мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон”Адолат”СДП фракциясининг муҳим қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган навбатдаги йиғилиши тавсилотлари батафсил баён қилинган. Материал фактларга бой бўлса-да мавзуга юзаги ёндошилган. Газетанинг 2014 йил 14 феврал сониди “Сиёсат” рукнида Илём Сахатовнинг “Дастурий ғояларимизга мос масалалар муҳокамаси” номли мақоласи чоп этилган. Мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши ҳақида сўз боради. Омбудсманнинг 2013йилдаги фаолияти ҳамда “Адолат”фракцияси аъзолари депутатларидан қисқа-қисқа интервью келтириб ўтилган. Мақола ҳажми қатта бўлмасин унда

ёритилган мавзу юзасидан муаллиф хулосаси баён қилинмаган. Жорий йилдаги мақолалар таҳлили жараёнида саҳифаларни беэаб турган катта-катта суратларга беихтиёр кўзимиз тушди, уларнинг деярли кўпчилиги ташки безак вазифасини ўтайди холос. Дастур ғояларини тарғиб этиш масаласи бироз оқсагандек назаримизда. 2014 йилнинг 17 январ сонида “Фракциялараро тортишув” рукни остида Мавлуда Нишонова муаллифлиги остида “Очиқлик ва ошкоралик аксиялар бозорини ривожлантиради “ номли мақола чоп этилган. Газета рукни эътиборни тортсада, бироқ мақолани бошдан оёқ ўқиб чиқиш мобайнида ҳеч қандай тортишувга алоқадор жумлаларга кўзимиз тушмади. Бундан келиб чиқади мақола саёз ёзилган ҳамда муаллиф материалга нисбатан ҳафсаласизлик қилган. Материални ўқиган газетхон мақола хулосасининг жўнлигидан бошқа саҳифага ўтиши тайин. “Депутатлик портида сессия учун таклифлар борми” номли мақола 2014 йилнинг 10 январ сонида чоп этилган. Мақола узундан узок мақтовларга бой. Сабаби мавзу халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари фаолиятига ўта ижобий баҳо берилган. Тўғри мақтовнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ, бироқ масалага сал жиддийроқ ёндошадиган бўлсак бугун чекка вилоятлардаги юртдошларимизнинг кўпчилиги ҳали ҳам мамлакатимизда қанча партия фаолият юритиши-ю, уларнинг номларини тўлиқ ёд билмаган бир пайтда вилоятлардаги партия депутатлари ҳақида осмондаги ҳавойи гапларни ёзиш газетхонни таажжубга тушишига сабаб бўлмасмикин. Бизнингча, бу билан вилоятлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятига ортиқча баҳо берилмаяптими? Дастурда белгиланган ишлар қоғозда қолиб кетган ҳоллари кузатилгандек назаримизда. Газетанинг жорий йилдаги сонларида танқидий мақолалар кўзга ташланмагани боис урғуни ўтган йиллардаги сонларига қаратдик.

Партия ўз фаолиятида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш масаласини муҳим вазифа дев билади. Зеро партиянинг сайловолди дастурида келтирилганидек, ”...қайта тикланадиган

ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқариш, қабул қилиш ва татбиқ этиш партия диққат марказида бўлади. Партия энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратади”¹. Газетанинг 2012 йилнинг 30 март жума сонида “Энергетика соҳасидаги замонавий технологиялар” сарлавҳали мақола партиянинг Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракция ташаббуси билан “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ва ана шу дастурий мақсад ижросига бағишланади. Мақола фактларга бой бўлсада муаллиф хулосаси деярли кўзга ташланмайди. Мақола янада ўқимишли чиқиши учун тадбирда иштирок этган фракция аъзоларидан энтервьюлар ҳам берилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари “Худудий партия ташкилотларида” рукни остида вилоятлардан келган таҳлилий материаллар ҳам бериб борилишини ижобий баҳолаш мумкин. Жумладан “Адолат”нинг 30 июль сонидаги “Халқ билан доимо ҳамнафас, ҳамкор” мақолада партиянинг Фарғона вилояти кенгаши фаолияти таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликлар келтирилган ҳамда келгуси режаларга тўхталиб ўтилган. “Адолат” саҳифаларида партиянинг сайловолди платформасида олға сурилган стратегик вазифалари юзасидан туркум материаллар чоп этилган бўлса-да аммо, партия нашри бўла туриб партиялараро рақобат ва парламентдаги ўз фракциясининг фаолияти, партия қурилиши ва электорат манфаатларига оид мақолалар сўнгги ойлар давомида чоп этилган сонларида кескин камайиб кетган. Газетанинг 9 июл сонида “Қадрни қадриятлар қаъридан қидиринг “ мақоласи эълон қилинган. “Миллий тикланиш” газетаси таҳлилида айтиб ўтилганидек, мақолада бошқа партиянинг позицияси майда-чуйда, унча эътиборга молик бўлмаган далиллар билан танқид остига олинган, аммо ғояси аниқ асослаб берилмаган.

¹ Ўзбекистон”Адолат” социал-демократик партиясининг низоми.-Т.: 2009, 12-б.

“Муносабат” рукни остида “Сиёсий баҳс маданияти: ким яқину, ким йироқ” номли мақола 30 июл сонидида чоп этилган бўлиб, бошқа таҳлил қилинган мақолаларга нисбатан энг ўқимишли мақола десак хато бўлмайди. Сабаби мақолада партиялараро рақобат анча жонланиб, жамият тарққиётида туртки бераётгани, бироқ охириги вақтда оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат ўрнига сиёсий партияларнинг фаолиятига хос бўлмаган майда-чуйда масалалар доирасида чегараланиб қолаётгани эътироф этилган. Газета саҳифаларидаги мақолаларни таҳлил қилар эканмиз, депутатларнинг чиқишлари етарли даражада эмаслиги кўзга ташланди. Депутатлар ҳудудларидаги муаммони қай даражада билади ва мазкур муаммони қандай таҳлил қила олади каби саволларга ойдинлик киритиш талаб этилаётган бир пайтда партия нашри бу борада кўпроқ чиқишлар қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки сайловчи ўзи овоз берган депутат қандай ишлар билан машғул эканини билишни хоҳлайди.

“Адолат” СДП сайловолди платформасида ўзининг бош вазифаси давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган асосий тамойиллар- “...мамлакатда янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий тамойилларини қамраб олади. Бу тамойилларнинг моҳияти иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат зиммасига бош ислоҳочи вазифаси юклатилиши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, ислохотларнинг босқичма-босқич изчил амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир”,¹ деб белгилаб қўйилган. Ана шу мақсадлар депутатлар ва партия фаоллари томонидан амалга оширилаётганлиги газета саҳифаларида фақат қисман ўз аксини топяпти. Партия сайловолди дастурининг асосий йўналишлари қонунлар мукамаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг ишончли механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жамиятда ижтимоий инновацияларни амалга оширишдан иборат. Адолат ва ҳаққонийлик ғояси қонунчилик

¹Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг низоми.-Т.: 2009, 13-б.

фаолиятининг асосий ва бош йўналишига айланиши даркор. Адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш суд ҳокимияти ислоҳ қилишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айнан бу йўналишдаги мақолалар, суд очерклари, таҳлилий материаллар газетада етарли эмас. Газетанинг 2012 йилда чоп этилган мақолаларни таҳлил қилиш мобайнида фақат “Халқ демократик” партияси танқид қилинган материаллар билан чекланган ҳолатга дуч келдик. Нашрнинг 31 сонида “Адолатга тош отманг” номли мақола “Адолат”СДПнинг Фарғона вилоят Политехника Университети профессори Анора Қосимова томонидан “Ўзбекистон овози” газетаси муҳбири Муҳаммаджон Обидовга қарата ёзилган. Мақола матнини ўқиш мобайнида мазмунидан тортишувлар соғлом танқид эмаслиги ҳамда матн бошдан оёқ шахсий масалаларга кетиб қолганини сезиш мушкул эмас. Газета саҳифаларида бу каби ҳолатларни бир неча ўринларда учратиш мумкин. Масалан газетанинг “Партиялараро рақобат” рукни остида 2012 йилдаги 30 март сонида “ХДП: кеча демократ, бугун социал-демократ ва либерал.Эртагачи? ёки 20 апрел сонида “ХДП: маҳаллий депутатлик гуруҳлари нега жим?”, 7 март сонида “Мағзи пуч хулосалар”, “ХДП нинг заифлиги масалаларга юзаки ёндошувларида кўриниб қолмоқда”, 10 август сонида “ХДП жамоатчилик қабулхонаси: соат неча бўлганини сўрасангиз ҳам ҳисоботга тушасиз”, 17 август сонида “Ўз ХДП маҳаллий нашрлари кимларнинг манфаатига хизмат қилмоқда?” каби мақолаларда танқидий фикрлар келтирилган бўлса-да, бироқ уларни ўқиш мобайнида юқоридаги фикрларимиздан бошқа нарса учратмадик. Юқорида таъкидлаганимиздек, буларнинг барчаси журналистларнинг шунчаки ўзаро баҳс мунозаралари, таъбир жоиз бўлса уларнинг ўзлари ўйлаб топган арзимаган муаммони кўпиртиришдан бошқа нарса эмас. Умуман олганда ҳар иккала газета саҳифаларида ҳам дастурий курашларга бағишланган мақолаларга урғу жуда кам қаратилган, арзимаган маиший муаммолар гирдобига тушиб қогандек гўё. Борлари ҳам журналистлар томонидан ўйлаб топилган, ёхуд ҳақиқатдан

анчайин узоқ мавзуларда фикрлар юзакигина баён этилган холос. Шу сабаб бўлса керак жорий йилда танқидий мақолалар кўзга ташланмаяпти.

Юқорида келтирилган фикрларимизга хулоса қилиб айтадиган бўлсак, партия нашрларида мазмунан бой, долзарб масалаларга бағишланган мақолалар кўзга ташланиб туради, бироқ журналистларда муҳим ахборотларни кўрсатиб бериш, ички танқид, парламент ва жамоатчилик назорати ҳақида мақолалар ёзиш маҳорати етишмайди. Бу борада улар изланишлари ихтисослашиши, қолаверса, малака оширишлари талаб этилади. Ҳар иккала газетадаги жуда узун жумлалар ўқувчини зериктиради. ”Миллий тикланиш” ва “Адолат” газеталарида Парламентда, фикрларда хилма-хилликни кўрсатадиган мақолаларнинг салмоғи анча кам.

Нашрларда партия раҳбарлари мунтазам чиқиш қилиб туришлари, бошланғич партия ташкилоти фаолиятини кенгроқ ёртилиши, етакчилар фаолиятини тарғиб этиб бориш ва бошқа партияларнинг нозик нуқтасини, дастурларини чуқур ўрганиб, уни танқид остига олиб, шу орқали баҳс юритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан, депутат партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни кўтараётгани мунтазам ёритиб борилса, партиянинг электорат олдидаги обрўси ортиши билан бирга, унинг сиёсий майдондаги ўрни ҳам барқарорлашади. Қолаверса, барча бўғиндаги партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси ҳамда партия матбуоти ишида ҳамжиҳатлик, изчиллик тамойилига амал қилиниши давр талабига айланмоқда десак хато бўлмайди.

ХУЛОСА

Президентимиз И.А.Каримов “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир”¹, — деб таъкидлайди.

Бундай муштарак стратегик мақсад, бир томондан, миллий, ўзига хос давлат бошқарувининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларини, ғоявий-мафкуравий имкониятларини тақозо қилади. Иккинчи томондан, муқобил демократик тамойиллар ва андозалар (стандартлар)нинг замон талабига мос динамик ўзгариб бориши, уларнинг янги назарий-методологик асосларига, мафкуравий таъминлашнишга эҳтиёжни вужудга келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, демократия феноменини ўрганишда турли фанларнинг интеграциялашиш ва дифференциациялашиш йўналишларини белгилаб бермоқда. Хусусан, фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқини муҳофаза қилиш; ижтимоий ҳимоялаш; сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш; миллий демократик қадриятлари ривожини умуминсоний қадриятлар билан бойитиш ва уйғунлаштириш; жамият сиёсий институтлар фаолиятини умуминсоният эътироф этган демократик тамойиллар асосида такомиллаштириш; ижтимоий муносабатларда турлитуман кучлар мувозанатини таъминлаш механизмларининг самарадорлигини аниқлаш мезонини белгилаш; фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини муҳофаза қилиш асосларини ташкил этишдан иборатдир. Айнан мана шундай сиёсий шароит мустақиллик ғояси ва уни мустаҳкамлаш туфайли вужудга келмоқда.

Маълумки, мустамлакачилик сиёсатига асосланган собиқ иттифоқ империяси ва коммунистик тузум мафкураси бир неча минг йиллик

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. -Т.: Ўзбекистон, 2005, 177-б.

маданиятимизга, халқимизнинг миллий тараққиётига, қадриятларига жиддий таъсир кўрсатган эди. Бу даврда мамлакатда сохта идеалларга асосланган ижтимоий нормалар, ҳаётдан ажралган волюнтаристик сиёсат, бошқарувнинг тоталитар услублари миллийликка хос бўлган маънавий қадриятларнинг ҳаёт тарзидан, руҳиятидан сиқиб чиқаришга қаратилган эди. Натижада, мамлакатда «қайчилаб текислаш» сиёсати мавҳум «совет халқининг» қиёфасини яратишга ҳаракат қилди. Унинг маъмурий ижтимоий-сиёсий институтлари тизими, мафкуриси миллий-маънавий қадриятларга зид равишда, демагогик таълимотлар, декларатив-утопик идеаллар тарғиботчисига айланган эди.

Мамлакатни модернизациялаш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор. Чунки жамиятнинг ахборотлашув даражаси унинг мавқеини, демократик тамойилларнинг нечоғли қарор топганлигини белгилаб беради. Айниқса, ахборот оқимининг хилма-хиллиги аҳоли руҳияти ва тафаккурини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида кучли фуқаролик жамияти барпо этиш соҳасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Уларни амалга оширишда ОАВнинг ўрни ниҳоятда каттадир.

Айниқса, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда ОАВ бирламчи ўрин тутди. Чунки оммавий ахборот воситалари янгилик ва хабарни ишончли ҳамда таъсирчан тарзда тарқатади. Мунтазам ижтимоий мазмундаги ахборотга эга бўлиш ҳозир ҳаётда фаол иштирок этишнинг асосий шартига айланиб қолди. Бутун дунёда ёхуд муайян ҳудудда рўй бераётган воқеаларга доир хабарлар, репортажлардан иборат ахборот дастури хабарлар оқимининг яхлит мажмуаси сифатида шаклланмоқда.

Бугунги кунда барча ОАВ информацион дастурига эга. Мазкур дастурсиз ОАВ фаолиятини тўла-тўқис деб бўлмайди. Социологларнинг уқтиришича, ахборот қанчалик кўп тўпланса, жамият ҳам шунчалик тез ривожланади. Демак, давлатнинг тараққий этишида хабарлар оқими муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот асрида аниқлик, тезкорлик, холислик тамойилларига амал қилинган ҳолда тайёрланган маҳсулотгина жамоатчилик эътиборини тортади.

Маънавият туфайли инсонни дунёқараши ватан ва эл юртга мухаббат, бажараётган ишга садоқат, инсонпарварлик тарбияси, ахлоқи, теварак атрофда юз бераётган воқеа - ходисаларни тўғри тушуниши пайдо бўлади. Маънавият туфайли миллий қадриятлар тикланди, урф-одатларимиз, дин-имонимиз, улуғ алломаларимизга бўлган эътиқод кучайди, санъат, маъданият, адабиётимиз янги мазмун, янги усуллар билан бойиди ва ривожлана бошлади. Маънавият яна бу ўзлик демакдир. Маънавият тарих, маънавият иймон - эътиқод. Маънавият муҳим вазифа ва муқаддас бурчдир. Ўзлигини англаб етган киши ота - боболари ким эканлигини билади. Бундай инсоннинг иймони, эътиқоди баркамол бўлади.

Жамиятда умуминсоний маънавий-маданий қадриятларнинг демократик тамойиллари, фуқаролик жамияти қурилиши даражалари билан боғлиқ тарзда шаклланади ва ривожланади. Бошқача қилиб айтганда, умуминсоний маънавий-маданий қадриятлар фақат демократик жамиятда ўз амалий ифодасини топади. Аммо, умуминсоний демократик қадриятларни миллий ҳаётга жорий қилишнинг устувор вазифаларини, бир зумда амалга ошириш мумкин эмас. Булар миллатнинг жаҳон глобаллашув жараёнларига ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-руҳий кўникиш потенциалига ҳам боғлиқдир. Ана шундай ишларни амалга оширишда партия нашрлари етакчилик қилади. Шуларни инобатга олган ҳолда битирув малакавий ишимизда партия нашрларида сиёсий- ғоявий ва дастурий курашларининг партия нашрларида акс эттириш масаласини битирув малакавий ишимиз

аввалида **тадқиқот объекти** сифатида танладик. Боиси, партия матбуоти сиёсий партиялар ҳаёти ва бутун фаолиятида жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган таъсирчан мафкуравий ҳамда партия ташкилотлари ишида ошкоралик ва демократияни таъминлайдиган етакчи омил сифатида намоён бўлади.

Яъни, миллатни бу жараёнларга тайёрлаш, нисбатан узоқ тарихий муддатни тақозо қилади ҳамда унинг хошиш-иродасига ҳам боғлиқдир. Чунки, «Барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яккаю-ягона-универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас».¹

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар, ривожланишнинг “Ўзбек модели” мазмун моҳиятини тўла очиб беришда айнан тадқиқотимиз объекти бўлган шарҳлаш санъатининг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Зеро, инсонни қуллик ва мутеълик психологиясидан воз кечтириш, кутқариш ва озодлик ҳамда эркинликни фарқлай оладиган, миллий мустақилликни ўз тақдирига, ҳаётий эҳтиёжига айлантирган инсон онги ва тафаккурини шаклантирмасдан, жамият фаолиятини соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратишга йўналтирмасдан, миллий демократик давлатчилик ривожини, унинг истикболини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилишида миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниш, уни ижодий ривожлантириш фундаментал аҳамиятга эга.

Бу борадаги шарҳларда эса, қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш лозим. **Биринчидан**, инсоният тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган демократик ғояларни умумлаштириш ва ижодий ривожлантириш, яъни

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006, 68- б.

маънавий-маданий меросимизни бугунги кун ижтимоий воқелиги билан мувофиқлаштиришнинг, конструктив-рационал усуллари, воситаларини кидириб топиш. Бу вазифа демократия мезонларини белгилашда, унинг тарихий негизларини ўрганиш зарурияти ҳамда эҳтиёжи ошиб бораётганлиги билан изоҳланади; **иккинчидан**, демократик миллий давлатчилик куриш борасида умуминсоний маънавий қадриятларга бой меросимизга асосланган ҳолда халқ иродаси, орзу ва интилишларини, эзгу идеалларини ифода этишининг реал сиёсий ва ҳуқуқий асосларини, ахлоқий мезонларини, уларни намоён қиладиган ижтимоий-сиёсий маконни яратиш демократик давлат, фуқаролик жамияти куриш асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилишни таъминлаш; **учинчидан**, ҳар бир давлат бошқаруви, миллат менталитети ривожланишининг тарихий даврини белгиловчи асосий хусусият ва сифатларини, устувор йўналишларини аниқлаш асосида мустақил тараққиёт моделларини танлаш ва шунга асосланган ҳолда, демократик қоидаларни, тамойилларни қарор топдиришдан иборат. Бунда маънавийят жамият ривожининг гарови сифатида, давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этади; **тўртинчидан**, демократия ва маънавийят бир-бирини тақозо қиладиган, ўзаро узвий боғлиқ ижтимоий феномен бўлиб, маънавий-маданий инқирозлар, «демократия камёблиги» даврида ҳақиқий демократия ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, демократия маънавий-маданий ривожланишга сиёсий майдон, шарт-шароит яратади; **бешинчидан**, бозор иқтисодига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти курилишида жаҳон тажрибаси шуни кўрсатиб келмоқдаки, ҳар қандай тизим инсон манфаатига ҳамда шахс камолотига қаратилгандагина, демократик ва гуманистик моҳиятини намоён қилади. Бунда жамият ва давлат бошқаруви асосларининг маънавий-маданий қадриятлар билан уйғунлаштирилиши демократиянинг муҳим мезони ҳисобланади; **олтинчидан**, жамиятни демократиялаштириш ва маънавий-маданий қадриятларни ривожлантириш жараёнларини комплекс-системали ўрганиш ҳозирги давр ижтимоий-сиёсий ва гуманитар фанларнинг интеграциясини тақозо қилмоқда.

Инсоният жамиятининг вужудга келиши ва ривожланиши, муқаррар равишда, уни ижтимоий-сиёсий жиҳатлардан ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш жараёнларини демократиялаштириш, доимий модернизациялаштириш ҳамда ахборот етказиб беришни тақозо қилган. Хусусан, жамиятни ташкил қилган ижтимоий-сиёсий структура элементларнинг конкрет манфаатлари давлатни ва жамиятни бошқаришнинг муқобил назариялари, методологияси, амалиёти тамойилларини ва мафкуравий усулларини вужудга келтирган. Шунинг учун ўз вақтида Жан Жак Руссонинг: «Демократия, қатъий маънода, ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ва мавжуд бўлмайди ҳам»,¹ деган фикрининг мазмунини, унинг ўзгарувчанлигидан кидириш керак. Зеро, демократиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда: «Тенглик», «Эркинлик», «Озодлик», «Биродарлик» ғоялари, тамойиллари жамият ижтимоий қатламларининг манфаатлари асосида баҳоланганлиги учун ғоят нисбий ва ўзгарувчан характерга эгаллигидан, бу ҳақда ягона, қатъий фикрнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, ҳар бир инсон ёки жамиятни ташкил қилган структуравий элементлар уларни ўз индивидуал эҳтиёжлари, манфаатлари доирасида тушунади, баҳолайди ва муносабатда бўлади.

И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган нутқида: «Бизнинг заиф томонимиз – ҳақиқий оппозиция йўқ. Ҳукмронлик қилаётган кучга нисбатан оппозиция йўқ. Биз оппозиция деганда расмий сиёсатга қарши кучни тушунамиз»,² деган эди. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда бугун мавжуд сиёсий партияларнинг дастурларини ёнма-ён қўйиб қарайдиган бўлсак, ҳукмронлик қилаётган сиёсий тизимга мухолифатлик масаласида туб фарқлар кузатилмайди.

¹ Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре или принципѹ политического права. -М. : Государственное социально-экономическое издательства. -М.: 1938. -С. 57.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т. : Ўзбекистон, 2007, 25-б.

Бизнинг назаримизда, куйидаги сабаблари бор. **Биринчидан**, малакатимизда социалистик тизим эмирилгандан кейин табақаланиш, янги шу партиялар манфаатларини ҳимоя қиладиган ижтимоий гуруҳ, табақа, синфларнинг вужудга келиш ва дифференциациялашиш жараёни кечмоқда, лекин уларнинг ижтимоий-сиёсий қиёфаси, ҳозирча тўлиқ шаклланиб, мафаатлари конкретлашмаган. **Иккинчидан**, бу партияларнинг асосий мақсади сиёсий ҳокимиятга, фақатгина парламентдаги ўрин, фракция мавқеи учун курашдан иборат бўлиб, ҳокимиятга интилиш масаласи, айниқса, ҳокимият таркибидан ўрин эгаллаганидан кейинги стратегик ва тактик вазифаларни ҳал қилишнинг ўзига хос индивидуал, оригинал миллий дастурлари ишлаб яқилмаган. **Учинчидан**, мавжуд сиёсий партиялар давлат ва жамиятни бошқаришга руҳий-интеллектуал салоҳияти, амалий тажрибаси жиҳатдан тайёр эмас. Партия етакчилари ва аъзолари ижтимоий руҳиятида ҳали ҳам шубҳа, ҳадик, кўрқув стереотиплари устувор, ҳокимиятни бошқариш масъулиятини ўз устига олишда дадиллик ва жасорат етишмайди. **Тўртинчидан**, сиёсий ҳокимият масаласида “ўнг”лиги, “сўл”лиги ёки “либерал”лигини кўрсатадиган позицияси уни белгилайдиган аниқ мезонлари бўлмаганлигидан ҳалқ орасида обрў-этибори, мавқеи паст бўлиб, унинг ишончини қозонадиган ишлари пассивлиги, нўноқлиги сезилади. **Бешинчидан**, партияларимизнинг етакчилари ва аъзолари амалий фидойилик, ҳаризматизм фазилатлари заиф. Чунки партиялар ижтимоий-сиёсий фаолиятида, уларнинг аъзолари, айниқса, етакчиларининг шахсий намунасинигина ҳалқни ўз ортидан эргаштиришнинг самарали воситаси бўлиши мумкин.

“Бизнинг назаримизда, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг, классик маънодаги: эркинлик, тенглик, биродарлик шиорида фақатгина эркинликка ёки тенгликка нисбатан устувор муносабати кузатилади”¹

¹ Мамашокиров С. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари.-Т.: Маънавият, 2007, 47-б.

Биз учун аҳамиятли томони эса, юртимиздаги айни пайтдаги демократик ислохотларни тўлақонли шарҳлаб, таҳлилий тарзда омма тушунали ёритишдир. Бинобарин, мазкур жараёнларни ОАВда тўла, туб моҳиятига кўра очиб бериш орқали мазкур ислохотларнинг янада таъсирчанлигини, кенг оммага тушунарли бўлишини таъминлаш мумкин.

Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий саводхонлигини оширишда партия нашрларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс янада самарали фаолият юритишга эришилишда қуйидаги вазифаларга аҳамияттини қаратиши юзасидан қуйидаги таклифларни киритиш лозим:

- Парламент журналистикаси соҳасини янада такомиллаштириш;

- Журналистларнинг ихтисослашувини таъминлаш, олий ўқув юртларида бўлажак журналист кадрларнинг тайёрлашда умумий тарзда эмас, тармоқли журналистика бўйича ихтисослашув муҳим аҳамият касб этади;

- Ҳар бир партия нашрларининг ва матбуот хизматларининг интернет веб-сайтларидаги материалларини янгиланиб боришини таъминлаш;

- Нашрлардаги материалларни ёритишда қолип сўзлардан чекиниш;

Партиявий нашрларни партиялараро қизғин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарур

- нашрларда партия раҳбарлари мунтазам чиқиш қилиб туришлари, бошланғич партия ташкилоти фаолиятини кенгроқ ёртилиши, етакчилар фаолиятини тарғиб этиб бориш ва бошқа партияларнинг нозик нуқтасини, дастурларини чуқур ўрганиб, уни танқид остига олиб, шу орқали баҳс юритиш;

- депутат партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни кўтараётгани мунтазам ёритиб борилса, партиянинг электорат олдидаги обрўси ортиши билан бирга, унинг сиёсий майдондаги ўрни ҳам барқарорлашишига эришиш

Чунки, барча бўғиндаги партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси ҳамда партия матбуоти ишида ҳамжиҳатлик, изчиллик тамойилига амал қилиниши давр талабига айланмокда десак хато бўлмайди.

Ҳар қайси ўз платформаси, ўз дастурини амалга оширишга албатта қодир бўлиши керак. Бунинг учун уларда аввало етарли сиёсий савия бўлиши зарур. Партия ҳаммага ҳам етакчи бўла олмайди. Етакчи аввало ўзига, ўзининг салоҳиятига аниқ ишонган, принципиал одам бўлиши керак. У ўзининг партияси, тарафдорлари нимани хохлашини аниқ тасаввур этиши ва бу мақсадларини амалга ошириш учун чуқур тайёргарликка, мустақил фикрга эга бўлиши зарур. Шундай қилиб, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш жараёнида жамиятимизнинг турли соҳа, йўналиш ва босқичларида амалга ошириладиган ишларинг мазмуни ва мақсадлари, бунда ҳар бир киши, гуруҳ, тоифа, қатламнинг ўрини,роли,бурч-вазифалари ва ниҳоят, ғояларимиз рўёбга чиққанда юзага келадиган шарт-шароит, имконият ҳамда ижтимоий муносабатлар характери ойдинлашиб,улар ҳақида одамларда аниқ равшан билим, тасаввур-қарашлар ҳосил бўлади. Бу жараёнларни ёритишда партия нашрларидан ҳам ўз ишига садоқат талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1.1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-Т.:Ўзбекистон, 2009.

1.2. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”. Янги таҳрири. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари.-Т.: Ўзбекистон, 2007.

1.3 Ўзбекистон Республикасининг қонуни. ”Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” -Т.: Меҳнат, 2003.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2011 йил.

2.2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси // Халқ сўзи, 2010,13 ноябрь.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон ССР, маҳаллий Советларнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган кенгашда сўзланган маъруза. 1990 йил 24 февраль.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.Т.: Ўзбекистон, 1993.

2.5. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ.—Т.: Ўзбекистон, 1998.

2.6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар, 7- жилд. Т. Ўзбекистон, 1999.

2.7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. — Т.: Ўзбекистон, 2003.

2.8. Каримов И.А. Демократия — қонунга ва шахсга ҳурмат демакдир. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. / И.А. Каримов.—Т.: Ўзбекистон" НМИУ, 2011.

2.9. Каримов И.А. Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқидан, 1989 йил 28 ноябрь. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. / И.А. Каримов. — Т.: Ўзбекистон" НМИУ, 2011.

2.10. Каримов И.А. Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади. // Ўзбекистон

мустақилликка эришиш оstonасида. / И.А. Каримов. Т.: Ўзбекистон" НМИУ, 2011.

2.11. Каримов И.А. Халқ иродаси билан танланган йўл. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. / И.А. Каримов. — Т.: Ўзбекистон" НМИУ, 2011.

2.12. Каримов.И.А. Биз танлаган йўл –демократик тараққиёт йўли. 11-жилд-Т.: Ўзбекистон, 2003.

2.13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, малакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005.

III Назарий адабиётлар:

3.1. Норматов Н. Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида.-Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи, 2009.

3.2.Мухаммадиев У. Ўзбекистонда сиёсий партиялар-Т.: Академия 2007.

3.4. Қирғизбоев М. Фукаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. Тошкент. Шарқ. 1998.

3.5. Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи.-Т.: Академия, 2007.

3.6. Dowser R. Political Sociology, N. Y., 1983, a 2.P.7

3.7. Duverger M. Political Parties. Their Organization and Activitiy in Moder n State, N.Y., 1954.

3.8. Eldersveld S. Political Parties in American Sociely. N. Y., 1982. P. 11; 6.

3.9. А.А.Горелов. Политология в вопросах и ответах. Учебное пособие.Полный курс, Москва. Eksmo edication. 2007. С 195

3.10. Таловов В.Н. Труд журналиста. 3- нашр. – Л., 1982

3.11.Мельник Г.С. О природе и сухности информации // Основы информационной культуры.

3.12.Винер Н. Кибернетика или Управление и связь в животном и машине. 2-чи нашр. М.: Наука, 1983.

3.13. Афанасьев В.Г. Информация как ресурс управления // Кибернетика. Становление информатики. – М., 1986.

3.14. Такаяма Н. О чем я думал в Узбекистане – Узбекистан с точки зрения японской модели. Маърузалар туркуми матни // Бозор иқтисодиётига ўтиш учун инсон ресурсларини қайта тайёрлаш соҳасидаги сиёсатни асосий йўналишларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасига ёрдам кўрсатиш бўйича ЈСА халқаро ҳамкорлик Япон агентлиги лойиҳаси. 1 жилд – Т.: Давлат ва жамият қурилиши. Академия. 2000.

3.14. Ж. Ж. Руссо. Об общественном договоре или принципѹ политического права. -М.: Государственное социально-экономическое издательства. – М.: 1938.

IV Даврий наишлар

4. “Миллий тикланиш” газетаси 2011-2014 йиллардаги бир неча сонлари.
5. “Адолат” газетаси 2011-2014 йиллардаги сонлари.
6. www.er.ru, www.er-portal.ru, www.spravedlivo-online.ru,
www.gazeta-pravda.ru www.mt.uz va www.milliytiklanish.uz
7. www.ziyounet.uz ҳамда www.Adolat.uz сайтлари